O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY [illegible]LATASI
INV.

Milliy Tiklanish

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

Gazeta har oyda 2 marta sechanba kuni chiqadi

O‘zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining gazetasi

2003 yil, 15 aprel

5 (277) son

УРУШ ТУГАБ БОРМОҚДА – ДУНЁ ЖАВОБ КУТМОҚДА

Ироқ воқеалари

Ироқдаги урушнинг ҳам охири кўриниб қолди. Бу уруш бизнинг болалик чоғимизда бўлиб ўтган иккинчи жаҳон урушига, ундан илгари бўлиб ўтган урушларга сира ўхшамайди. Бунда йиллаб окоплар, ҳандақлар қазиб, истеҳкомлар қуриб, беш-ўн йиллаб, пойлаб, пусиб, мудофаага ўтиш йўқ. Ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ғоятда тез, шитоб билан ҳаракат қиладилар. Дам у ерда-дам бу ерда кутилмаганда пайдо бўладилар, қисқа муддатли қаттиқ жанг қиладилар, натижаларга эришадилар, яна олдиларига янги режа, янги вазифалар қўядилар. Бомбалар, ракеталар, снарядлар жуда юксак аниқлик билан олдиндан мўлжалланган, ишончли разведка қилинган ҳарбий жиҳатдан муҳим-муҳим нуқталарга урадилар. Ажал ва вайронагарчилик қурол-яроғлари, воситалари ақл бовар қилмас даражада мукаммаллашиб кетганлигини кўрмоқдамиз. 2001 йил 11 сентябр даҳшатли воқеалари, мислсиз қурбонлар нуқтаи назаридан туриб қаралса, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1144-сонли қарори шартлари, талаблари, меъёрларидан келиб чиқилиб қаралса, баҳо берилса, албатта, АҚШ давлати ва унинг иттифоқчилари – коалициянинг ҳозир Ироқда олиб бораётган ҳаракатларини жуда яхши тушуниш, англаш, баҳолаш мумкин.

Бу уруш Ироққа, Ироқ халқига қарши қаратилган уруш эмас, асло. Гарчи бу воқеаларни шундай тарзда, шундай маънода талқин қилувчилар, қилаётганлар ҳам дунёда оз эмас.

Бу уруш мусулмонларга, уларнинг муқаддас диний ақидаларига – исломга қарши қаратилган уруш эмас, асло. Гарчи бугунги дунёда бу воқеаларни ислом ва мусулмончиликка қаратилган уруш деб талқин этувчилар, шундай деб тушунтирувчилар ҳам анча кўпчиликни ташкил этади.

Бу уруш Ироқнинг нефт бойликларини қўлга киритиш, бу бойлик куч-қудрат манбаларини Ғарб давлатлари ва аввало АҚШ манфаатларига бўйсундириш мақсадида олиб борилялти деб тушунтирувчи, тушунувчи ва шундай тушунча, талқинда маҳкам тургалар ҳам кўп ҳозирги дунёда.

Кўриниб турибдики, бутун инсоният тафаккури бугун Ироқ уруши атрофида айланмоқда. Бу стратегияси, тактикаси фавқулодда тарзда «ғалати“ бўлган урушдан инсоният ўз тафаккури қирраларини қанчалар чархлаб ва қанчалар келгуси ҳаёт учун тажрибалар, сабоқлар орттириб чиқаркин?

Коалиция Ироқ халқига диктаторлик режимидан ҳақиқий озодлик, ҳақиқий демократия ва тараққиёт уфқларини қайта-қайта уқтириб, маълум қилмоқда.

Ироқ воқеаларини диний, ирқий терроризмдан, унинг ер юзида уялаган ўчоқларидан бир йўла ва қатъият, маҳорат билан халос қилиш, қутулиш йўлидаги навбатдаги муҳим ҳаракат деб тушунувчи, талқин қилувчи кишилар ҳам оз эмас. Ростдан ҳам Америка ўз кўксини халқаро терроризмга қарши қалқон қилмоқда, ўз ўғил-қизларини, оғир, хатарли ерларда олийжаноб мақсад йўлида жанглар олиб боришга йўлламоқда. Бу инсоният равнақи учун ўзини оқлашига комил ишонч билдирмоқда. АҚШ, Буюк Британия ва улар билан иттифоқ бўлиб ҳаракат қилаётган кўпгина мамлакатларнинг аксар аҳолиси шундай фикрда. Эҳтимол, бу энг тўғри ва энг одил нуқтаи назардир. Агар шу назардан қаралса, Ироқ воқеалари Афғонистон, Боснияда кечган, кечаётган воқеаларнинг ажралмас узвий давоми эканлигини англаш, кўриш қийин эмас. Бу воқеаларнинг хатарли қиличи дам Ирландияда, дам Колумбияда, дам Басклар диёрида, дам жануб-шарқ Осиё ўлкаларида, дам Россияда, дам Жазоир, дам Ироқ, Фаластин, Исроил, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Кашмир, дам Африка қитъасининг айрим мамлакатларида – қаранг, қанча-қанча хатарли ўчоқлар, таҳдид солувчи майдонлар, пистирмагоҳлар бор жаҳон жуғрофияси маконларида! – чақнаб-чатнаб оламга ёнғин хавфини солаётган бўлса ҳам – нечукдир уларнинг энг хатарлилари, серзарда, серғулув, серғалаёнлари – Афғонистон, Ироқ, Фаластин, Жазоир, Покистон сингари мамлакатларда рўй бераётганлиги ғоятда ачинарли ва таассуфга моликдир.

Биз бундай хатарли, таҳликали воқеаларни келтириб чиқараётган, ўз бағридан ўстираётган диктаторлик режимлари беҳад-бапоён эскирганлигини, XXI асрдан мутлақ орқада қолиб кетганлигини, мустабид ғоялар, ашаддий бир тусдаги тарғиботлар, одамларни алдаб, лақиллатиш, ирқчилик билан кишиларнинг онгини, фикрини заҳарлаш, чалғитишлар-мустабидлик қуроллари тамомила эскирди ва бефойда эканлиги неча-неча бор исботланмоқда. (Лоақал Америкага қарши кайфиятлар ва ҳатто “шаҳид“ эълон қилиш, ўз-ўзини тинч, бегуноҳ одамлар ўртасида – улар жони, умрига завол келтириб “қурбон бўлиш“ларни ва бу айрим мамлакатларда ғоятда авжу хуружга кириб бораётганлигини эслайлик ва кўз ўнгимиздан ўтказайлик. Антиамериканизм васвасалари қанчалар жунбушга келтирилаётганига ҳушёр қулоқ тутайлик. Бундай одамкушлик, завол, завол ва яна завол билан қандай сиёсий мақсадга эришиш мумкин! Ҳеч замонда бошни темир бетон деворга уриб ёриб, бирон эзгу мақсадга эришиб бўладими ўзи!).

Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади. Ироқда бугун ҳўлу қуруқ баробар талофат остида қолганлигини кўриб турибмиз.

“Босқин“ қанчалар фожиали, аламли, изтироб ва азобларга тўла бўлмасин, таслим бўлмаган экстремизм, фанатизм, терроризмдан халос бўлишнинг ўзга йўли бу ўринда қолмаганлиги ҳамда ўта фожиали қарорга келинганлигини инсоният оғир ва мушкил сабоқлар ичида англаб етмоқда. Терроризм ва мустабидлик устидан ғалаба фақат Ироққагина эмас, бутун инсониятга керак ва тинчлик, тараққиёт имконларини очади, деган хулосага келмоқда.

БМТ ва бутун инсоният Афғонистон, Ироқ, Фаластин воқеаларини келтириб чиқарган асл сабаблар ва ҳодисалар жамулжамини ҳар томонлама, чуқур ўрганиб, улардан бутун инсониятнинг тинч келажагига дахлдор жиддий, матонатли ўта холис хулосалар чиқармоғи, бундай ҳодисаларни фаол қатъият, ирода билан олдини олмоғи даркор. Бутун одамзот шуни илҳақ кутмоқда.

Уруш-ку шояд охирлаб бормоқда, лекин эртага, индинга Ироқ, Фаластин, Афғонистон, Исроил қандай бўлади, қайси йўллардан боради, мустабидларнинг қилмишлари учун нега оддий одамлар жафо, озор ва айрилиқлар азобини чекишлари керак? Бу саволлар бугун ҳар виждонли кишини юрак-бағрини ўртамоқда ва дунё қудрат эгаларидан аниқ, адолатли жавоб кутмоқда.

Бугун Ироқнинг Бағдод, Мосул, Тикрит, Киркўк, Басра, Нажаф сингари иттифоқчи қўшинлар ихтиёрига ўтган шаҳарларида ироқликларнинг намойишлари бўлиб ўтмоқда. Намойишчилар Ироқда мустабид режимдан сўнг тартиб-интизом ўрнатилиши, шармандали талончиларга барҳам бериш, демократик руҳдаги ўзгаришларга урғу бериш сингари талабларни кўтариб чиқмоқдалар. Ҳар томонда: «Чил-чил Саддом!» — деган хитоблар янграмоқда. Ироқда эркин демократик йўналишдаги тузумнинг барпо бўлиши ва мустаҳкамланиши бутун Яқин Шарқда сиёсий иқлимнинг мўътадиллашувига, тинчлик, эминлик барпо бўлишига соғлом кучлар ишонч билдирмоқдалар. Истибдод ва диктатурадан халос бўлган Ироқда ҳақиқий тикланиш жараёнлари бошланиши ва ғалаба қозонишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Иброҳим ҒАФУРОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ БИЛИМ КЎРИКЛАРИ.

Суратда: Республика ўқувчилар олимпиадаси иштирокчилари

ҚОНУН АМАЛИЁТИ ЖАРАЁНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ўткир Ҳошимов бошчилигидаги депутатлар ва ишчи гуруҳи шу йилнинг 10-12 апрел кунлари Сирдарё вилояти ва унинг бир қатор шаҳар, туманларида бўлиб, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг вилоятдаги ижросини ўргандилар. Бир қатор таҳририятларда газеталарнинг ходимлари, журналистлар билан учрашдилар, қонун ҳаётда қандай ижро этилаётганлиги билан ҳар томонлама қизиқдилар. Жойларда қонунлар сўз эркинлиги, ахборот олиш ва улардан фойдаланиш соҳаларида сезиларли ўзгаришларга замин яратаётганлигини ўз кўзлари билан кузатдилар.

11 апрел куни Гулистон шаҳрида ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятларининг матбуоти раҳбарлари, нашрларнинг бош муҳаррирлари, таниқли журналистлар, ижодкорлар қатнашдилар. Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ўткир Ҳошимов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Камолиддин Оқбўтаев, Олий Мажлис депутатлари Иброҳим Ғафуров ва Хуршид Дўстмуҳамедов, вилоятлар матбуоти раҳбарларининг бугунги матбуотда бораётган ўзгариш жараёнлари ва муаммолар тўғрисидаги маърузалари тингланди. Семинар иштирокчилари бундай йиғилишлар матбуотимизнинг сўз эркинлиги шароитида қад ростлашида катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Семинарда амалий аҳамиятга эга тавсиялар кўриб чиқилди.

КОНТРАКТЧИЛАР ПУЛИ НИМАЛАРГА САРФЛАНЯПТИ?

«МТ» газетасининг шу йил 14 январ сонида чоп этилган Қодирқул Рўзматзоданинг «НЕГА ҚАЙТИБ КЕТАЯПСИЗ?» сарлавҳали мақоласида чиндан ҳам кўпчиликнинг дилидаги гаплар айтилган. Кўпдан бери мени ўйлантириб келаётган ушбу фикр-мулоҳазаларим ҳам ёшларимизнинг илм-маърифатли бўлиши ҳақида юракдан қайғурадиган кишиларнинг, айниқса, контрактга пул тўловчиларнинг кўнглидан кечган бўлса, ажаб эмас.

Аввало, контракт-шартнома асосида ўқитиш, унинг нархи (суммаси)ни белгилаш қандайдир шошма-шошарлик билан бўлди, тасодифий ҳисоб-китоблар қилинди, деб ўйлайман. Республикамизда илм-фан равнақи, таълим-тарбия сифатини яхшилашни истайдиган кишилар — мутасаддилар нега бундай таклифларни ўртага қўйгани кишини бирмунча ажаблантиради.

Контракт-шартнома пули ниҳоятда қиммат ва у қатор камчиликлардан ҳоли эмас: контрактчи учун кундузги бўлимда бир йиллик ўқув юкламаси кундузги бўлимдаги ўқув юкламанинг 0,33 фоизини ташкил этгани ҳолда сиртқи бўлим контрактчи талабасининг тўлайдиган пули кундузги бўлим талабаси тўлайдиган контракт суммасининг 0,66 фоизини ташкил этади. Яъни адолат нуқтаи назаридан қараганда, сиртқи бўлим талабасидан олинадиган сумма кундузги бўлим талабаси контракт тўловининг 0,33 фоизини ташкил этиши керак эди!

Контракт тўлови таълим сифатини яхшилаш, лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ўқув қўлланма ва дарсликлар яратиш, ўқитувчиларни яна ҳам яхшироқ дарс ўтишга рағбатлантирувчи стимул бўлиши керак эди. Афсуски, кўп ўқув юртларида контракт тўловининг нимага сарфланаётганлиги ҳеч кимни ташвишлантирмайди. Асоссиз равишда умумий ҳисобларга қориштириб юборилади. Раҳбарият бу ҳақда ҳеч кимга ҳисоб ҳам бермайди. контракт сметаси ҳақида ҳеч ким, хусусан, пул тўловчилар ҳеч нарса билмайди.

КОНТРАКТЧИ-ТАЛАБАЛАР НАФАҚАТ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА, БАЛКИ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ҲИМОЯГА ҲАМ ЭҲТИЁЖ СЕЗА БОШЛАДИЛАР. Ўқув юртларининг раҳбарлари контракт суммасини ўз вақтида тўлай олмаган талабаларни дарс вақтида аудиториялардан намойишкорона чиқариб юборадилар, кўпчилик олдида хижолат қиладилар. Бу эса муқаррар равишда талабада оғриниш, аламзадалик ҳиссини шакллантиради. Бу билан талабалар онгида илм-фан ва маърифат эмас, балки пул ҳамма нарсани ҳал этади, илмдан кўра пул қадрлироқ, илм ҳам худди товар кабидир: уни сотиб олиш ва сотиш мумкин, деган ўта зарарли, ғайритабиий қарашни шакллантириб қўядилар. Бу ёғи, ҳам дарсга «сабабсиз» қатнашмагани учун «нб» лар топшириш ташвиши, ҳам навбатдаги дарсларга қатнашиб уларни ўзлаштириш зарурлиги талабага турли қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Бозор муносабатларининг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига кириб келиши, ҳамма соҳаларда, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасида ҳам рақобат қонунининг амал қилиши табиий ва муқаррардир. Афсуски, бюджетда ўқиётган талаба билан контрактчи талаба ўртасида яхшироқ билим олишга интилиш ва рақобатли муҳитни кузатмайсиз: талаба I курсга қабул қилиниши биланоқ, унга то ўқишни битиргунича ё контрактчи, ё бюджетда ўқийдиган талаба деган ном битиб қўйилгандай. Натижада бюджетда ўқиётган талаба яхшироқ ўқишга интилмайди ҳисоб. Агар бордию олий ўқув юртларида талабаларни курсдан-курсга ўтказишда ҳеч бўлмаганда мутахассислик фанлари бўйича давлат тест маркази адолатли тест синовларини ўтказса, кимнинг бюджетда, кимнинг эса контрактда ўқишини янгидан белгиласа, талабалар ўртасида ҳақиқий рақобатли муҳит шаклланган бўларди.

Акс садо

Менимча, «Нега қайтиб кетаяпсиз?» мақоласида айтилган ушбу мулоҳазалар ҳақида мутасадди кишилар ҳам жиддий ўйлаб кўрса ёшларимизни илм-маърифатли қилиш истагимиз янада ёрқинроқ намоён бўлган бўлур эди. Чиндан ҳам «Ҳатто Америка Қўшма Штатларида ҳам ота-онанинг йиллик даромади 10 минг долларга етмайдиган оилаларнинг фарзандлари давлат томонидан бепул ўқитилади. Ёки Финляндияда ўқитиш тўлалигича давлат ҳисобидан бепул ташкил этилганлиги ҳам ўқитишнинг контрактли шакли бозор муносабатларига ўтишнинг зарур шарти эмаслигидан далолат беради».

Ғуломат ҲОШИМОВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент

ТАҲСИЛ ТАҚОЗОСИ

Ёки ўқув харажатлари қандай белгиланяпти?
Контракт: талаба, ота-она, бугун ва келажак

● Мамлакатни спорт тезда дунёга танитади.

● Мамлакат санъат билан дунёга довруқ солиши мумкин.

● Мамлакат маърифат билан - ҳозир чўнтагида балки пули бўлмаса ҳам, зеҳни ўткир, манглайи кенг ёшлар билан, чуқур билим олган зиёлилар билан эса фаровон бўлади, тараққий этади, бойийди, гуллабяшнайди.

Мен таржима иши билан озми-кўпми шуғулланиб тураман, шу соҳада илмий даражам ҳам бор. Аммо гоҳо оддий, мазмуни жўнгина баъзи сўзларни ўгиришда ҳам қийналиб қоламан. Ўрисча “гибкий” деган калимани олиб қаранг. У мослашувчан, эгилувчан деган маънода келади, аммо барибир, бу сўзлар “гибкий”ни тўла англата олмайди. (Балки шеваларимизда биз билмаган, адабий тилимизга киритилмаган буни ифодаловчи бир неча сўз вариантлари бордир).

Сўздан амал келиб чиқади, деганлар ҳақ шекилли, баъзан бизда худди шу нарса - “гибкость” жонивор етишмай қолади.

Мисол, дейсизми? Мисол учун, пенсионерларга, талабаларга, ногирон одамларга, ҳатто мактаб болаларга жамоат уловидан фойдаланишда енгиллик бўлсин деб махсус ойлик чипталар чиқарилади, биласиз. Унинг баҳоси бошқа чипталарнинг қарийб ярим нархида. Ижтимоий муҳофазага муҳтож одамларга шу йўл билан кўмак бериладди. Аммо нима дейсизки, бунда ҳам бояги "гибкийлик" йўқ-да!

Қандай? Шундайки, агар талаба, ё пенсионер ёки ногирон, агар икки марта ногирону пенсионер бўлса ҳам - қўлида бояги ойлик патта қурғур бўлмаса, бекор - йўлкирани тўлиқ қилиб тўлаши шарт. Уззукун транспортдан транспортга ўтиб юрадиганларга-ку, балким фарқи йўқдир, аммо худди ана шу ногиронлиги учун кўп вақт уйда ўтирадиган ё кексайган ҳолида ҳадеб кўчага чиқавермайдиган кишилар ҳам камида беш-олти минг сўм харжлаб, ойлик патта олиши шарт. Ёки ўзи ўқийдиган ин-

2 БЕТДА

МИРЗООБОДДА УЧРАШУВ

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракция аъзолари Ўткир Ҳошимов, Иброҳим Ғафуров, Хуршид Дўстмуҳамедов 12 апрел куни Сирдарё вилояти Мирзообод тумани фаоллари, ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги коллеж ўқитувчилари, ўқувчилари, ижодкор ёшлар билан коллежнинг муҳташам биносида учрашдилар. Учрашувда икки палатали парламентга ўтиш йўлида бораётган катта тайёргарликлар, бўладиган сайловлар, сиёсий партияларнинг икки палатали парламентни шакллантиришдаги роли ҳамда улар олдида турган кенг миқёсдаги сиёсий вазифалар юзасидан партия раҳбари Иброҳим Ғафуров маъруза қилди. Партия етакчилари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳамда ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ёзувчилар ижодида миллий тикланиш ғояларининг акс этиши, умуман миллий тикланишнинг мамлакат ва халқ тақдирида қандай маъно ва мазмун ҳамда йўналишларга эга эканлиги тўғрисида ёрқин, қизиқарли савол-жавоблар бўлди. Бугунги кунда жамият ва халқ ҳаётида адибларнинг ўрни борасида саволлар ўртага ташланди. Улар ҳозирги ва ўтган замон ўзбек адиблари ижодиёти мисолида таҳлиллардан ўтказилди. Йиғилишни туман ҳокими Абдумавлон Ибодуллаев олиб борди. Йиғилишда шунингдек, Сирдарё вилояти «Миллий тикланиш» партияси кенгашининг раҳбари Маматқул Бозорбоев қатнашди.

Партия етакчилари Сирдарё вилоятида бўлиб, партия аъзолари, унинг вилоятдаги фаоллари, етакчилари билан ҳам учрашиб, ҳозирги кунда партия олдида турган муҳим вазифалар хусусида ўртоқлашдилар. Партияга қабул қилиш ҳақидаги бир қанча аризаларни кўриб чиқдилар.

Ўз мухбиримиз

2003 йил — Халқаро ичимлик суви йили

СУВ ТАНҚИС – ҲАЁТ БЕБАҲО

Аср муаммолари

Ҳозирги дунёда маълумки, сув танқислиги жуда кескин экологик муаммолардан бири бўлиб турибди. Марказий Осиё минтақасида ва хусусан, Ўзбекистонда ҳам бу муаммо ҳеч қачон кун тартибидан тушган эмас. Танқислик ичимлик сувнинг миқдорига ҳам, сифатига ҳам баробар тарзда дахлдор. Шу муносабат билан БМТ 2003 йилни Халқаро ичимлик суви йили деб эълон қилди. БМТ бутун ер юзи аҳолисини ичимлик сувини асраш, авайлаш, эҳтиётлаш ҳамда ундан рационал (оқилона) фойдаланишга даъват этмоқда, муҳим чора-тадбирлар дастурларини дунё аҳолиси олдига қўймоқда.

Бизнинг “Миллий тикланиш“ газетасида эълон қилинган “Сибир сувлари керакми?“ (“МТ“, 25.02.03) мақоламизда баён қилинганидек, кейинги йилларда Амударё ва Сирдарё сингари ҳаёт томирларимизда сувнинг бирмунча кўпайганлиги кузатилмоқда, уларда сув ҳозир ўртача кўпйиллик миқдорда ва ҳатто бундан анча-мунча ортиқ ҳам бўлмоқда, яъни минтақамизда ичимлик сув миқдори анча қулай даражага етмоқда. Шу билан бирга бу ҳаётнинг барча соҳаларида сув заҳираларини иложи борича тежаб, ҳар бир томчи сувдан оқилона фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Сув танқис бўлган йилларда сув заҳираларидан оқилона фойдаланишнинг турли йўл-йўриқлари, чора-тадбирларини ҳаётнинг ўзи белгилайди, албатта. Бу айниқса, суғориш учун жами ичимлик сувининг 80 фоизи ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги учун жуда муҳим. Сувни тежаш, иқтисод қилиш, ундан ўта оқилона фойдаланиш ишларини дарёлар, сойлар, каналларнинг маълум бир қисмларидагина эмас, балки бутун улкан ва сертармоқ сув ҳавзалари бўйлаб бошдан оёқ баробар интенсив олиб бориш салмоқли натижалар бериши шубҳасиз. Бунда турли жойларда тупроқнинг сув ўтказиш (юқори дренажли тупроқ) қобилиятини аниқ ҳисобга олиш, ер ости сувлари ҳаракати оқимлари ва ҳажмларини ўрганиш (сув – ер заҳираларини биргаликда ўрганиш) муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Сув ўтказувчанлиги кучли бўлган ерларда қишлоқ хўжалик экинларини керагидан ортиқча суғориш тупроқнинг устки қатламларидаги фойдали озуқаларнинг бекорга ювилиб кетишига олиб боради ва бир томондан, ўғитларга бўлган эҳтиёжлар ва сарф-ҳаражатларни кўпайтиради, иккинчи томондан, сизот сувларнинг ортиши, дарёлар, каналларнинг ифлосланишига сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалик экинларига зарур бўлган сув ресурсларини яхши билиб фойдаланилмаса, ер ости ва ер усти сув манбаларига зиён келтиради. Бу зиён ернинг экин учун ишдан чиқишида кўзга ташланади.

Ер ости сувларининг оқиши, сув ўтказувчанлиги оғир бўлган ерлар шароитида экинларини меёридан ортиқ даражада суғориш ўсимликлар илдиз қисмларининг сув-ҳаво режимининг бузилишига ва натижада экинлар ҳосилдорлигининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади.

Бундай ҳолларда сизот сувларнинг интенсив тарзда юқорига кўтарилиши рўй беради, ернинг экин экиладиган қатламларини шўр босади, экин майдонлари ишдан чиқади.

Кўриниб турибдики, суғоришда меёрга риоя қилмаслик иқтисодий томондан катта зарар келтиради. Сувдан фойдаланиш пулли бўлган ерларда пул сарф-ҳаражатлари ортади. Ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши хавфи туғилади. Бундай ҳолларда одатда турли минерал ўғит-озуқалардан фойдаланишга зўр берилади – экин-тикинга ҳаражатлар янада кўпаяди. Ерлардан фойдаланиш кўрсаткичлари издан чиқади. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда экин ерларни қайта тиклашга катта сармоя маблағлар сарфлашга олиб боради.

Ҳозирда сув етишмаслиги мавжуд экан, қайси қишлоқ хўжалик экинларини экишга имтиёзли аҳамият қаратиш жуда муҳим. Бунда у ёки бу экин турларининг қанчалар заруратга эгалиги, қанчалар фойда-манфаат келтириши, ўзини иқтисодий жиҳатдан қанчалар оқлаши, уларга қанча сув сарфланиши кабилар ҳар томонлама ҳисобга олиниши зарур.

Шулардан келиб чиққан ҳолда сув заҳираларидан оқилона фойдаланишнинг қуйидаги чора-тадбирлари амалга оширилиши муҳим:

Биринчидан, экинларни алмашлаб экишни, районлаштирилишини қайтадан кўриб чиқиб, зарур тарзда ислоҳ қилиш долзарб вазифа; бу энг қулай алмашлаб экиш йўлларини белгилаш, натижада эса юқори ҳосилдорликка олиб боради. Пахта хомашёсининг рақобатбардошлигини кучайтиради (олий навли ва биринчи навли пахта 80 – 85 фоиздан кам бўлмайди) ва унга имтиёзли экин деб қараш имконини беради.

Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан ҳам, сув сарфига кўра ҳам фойдаси кам, ўзини оқламайдиган экинлардан воз кечиш.

Учинчидан, суғориш тармоқлари, шаҳобчалари ҳамда экин майдонларини доимо биргаликда бир бутун ҳолда таъмирлаш, қайта тиклаш, режалаштириш, бунда мавсумий ишларни узоққа чўзмай, пайсалга солмай ўз вақтида бажариш – сарф қилинган маблағларнинг натижаларини шу мавсумнинг ўзида кўриш; энг муҳими, қайта таъмирлаш, тиклашдан мақсад – сув тасарруфини тежашдан иборат бўлмоғи даркор.

Тўртинчидан, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сув истеъмоли нормаларини кўриб чиқиш, аҳоли пунктларига сув етказиб бериш ҳажмларини белгилаб чиқиш.

Бешинчидан, лалмикор ерларда сув кам талаб қиладиган ҳосилдор экинлар етиштиришга эътибор қаратиш.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, ҳозирда қимматбаҳо сувни – томчиси зар бўлган сувни ортиқча сарфлаш, бу – исроф, у на фермерга, на деҳқонга, на ишлаб чиқариш раҳбарига, на экиннинг ўзига ва на энг муҳими, еримизга фойда келтиради. Оқиллик – тежамкорлик.

Вакил ХОНЗАФАРОВ,
техника фанлари номзоди

БИЛДИРИШ

«Миллий тикланиш» газетасига 2000, 2001 ҳамда 2002 йилда обуначилар тўлаган пулнинг газетанинг чоп этилмай қолган сонларининг қисми ҳомиймиз «Матбуот тарқатувчи» АК томонидан мазкур йиллар йиллик якунидан кейин жойлардаги обунани расмийлаштирган почта алоқаси ва «Матбуот тарқатувчи» жамиятларига қайтарилган.

«МТ» обуначилари газетанинг нашр этилмаган сонлари учун тўланган пулларини ушбу жамиятлардан қайтариб олишлари мумкин

ТУЗАТИШ

«МТ»нинг шу йил 18 март сони 1-саҳифасида эълон қилинган «Газета ва иқтисод» мақоласи 2-устунидаги «Босмахона харажатлари — 515 минг 600 сўм» жумласидаги рақамлар «551 минг 300 сўм» деб, ушбу жумладан кейин «Қоғоз харажатлари — 515 минг 600 сўм» жумласи қўшиб ўқилсин.

2 БЕТДА
БИЗ ЎН ИККИНЧИ ЎЙИНЧИМИЗ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИЛСА...
ЁКИ ЖАҲОН БИЛАН МУЛОҚОТ РИШТАЛАРИ
3

МУРОД МЕРГАН
4

БУГУН ВА ИСТИҚБОЛ

Фикрлашув

САВОЛЛАРГА ЖАВОБИМИЗ БОРМИ?

Ёхуд ижтимоий ҳаёт муаммоларига ижодкор муносабати ҳақида

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида йўл қўйилган хатоликларга баҳо бераркан, Президент И. Каримов: “Энди ёлғон-яшиқ ваъдалар билан одамларни алдаб бўлмайди. Ким бўлишимиздан, қандай юксак лавозимни эгаллаганимиздан қатъий назар, эртага кўпчилик олдида, халқ олдида жавоб беришимиз, ҳисоб беришимиз муқаррар эканлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Раҳбар учун эса эл-юрт назаридан қолиш, жамоатчилик ишончидан маҳрум бўлишдан кўра оғирроқ жазо йўқ“, – деб таъкидлаган эди.

Раҳбарлик лавозимига фақат “МЕН“ деган тушунчани хуш кўрадиган, муомала маданиятидан йироқ, халқ дарду ташвишларига эътиборсиз одамнинг тайинланиши ўртадаги ишонч кўпригининг бузилишига, раҳбар учун сув-ҳаводек зарур бўлган омма билан алоқанинг узилишига олиб келади. Натижада ундай одам ўз бошқаруви “мевалари“нинг ҳаққоний кўриниши ҳақидаги реал ахборотдан маҳрум бўлади. Бунинг оқибати эса маълум: раҳбар қулоғида жойлардаги аҳвол тўғрисида бўялган, нотўғри маълумотлар жаранглай бошлайди, чекка қишлоқларда газ, ичимлик суви, клуб, кутубхоналарнинг йўқлиги, яъни одамларнинг оддий турмуш ташвишлари унинг назарида майда-чуйда нарсалардек туюлади. У энди фақат “юқори“нинг фикри, топшириғи билан яшайди, “юқори“нинг кўнглини ола билиш унинг учун энг муҳим бўлиб қолади. Жойларда эса яшаш қийинлашаверади, норозилик кайфиятлари орта боради.

Ўз қалами кучига ишонган ижодкорлар мустақилликка эришганимиздан сўнг, “энди цензура балосидан қутулдик, сўз эркинлигига эришдик, бундан буён барча неъматлар қаторида ҳақиқатни ёзиш, “Қонун барчага баробардир“ деган адолатли тамойилга кўра ўз ҳаққоний танқидий фикрларимизни айта олиш имконига эга бўлдик деб билдилар. Лекин юқорида тилга олинган ўзим бўлай дейдиган лавозимпараст кишилар, кўпинча уларнинг ҳафсаласини пир қилар эди.

Мундоқ ўйлаб кўрсак, жуда кўплаб истеъдодли, номаъқулчиликларга муросасиз, курашчан ижодкорларнинг бир қисми сўз минбаридан четга чиқиб қўя қолган бўлса, бошқа баъзилари ижодий фаолиятга тирикчилик манбаи деб қарайдиган бўлиб қолди. Энди уларни турмушда тез-тез учраётган маънавий емирилишлар у қадар изтиробга сола олмайдигандай, бундай ижодкорлар “замон зайли“ни ўзича яхши тушуниб, “замонавийлашиб“ боришди. Ачинарлиси шундаки, ижод оламига кириб келган ёш қаламкашларнинг асосий қисми ҳам бозор “муносабатлари тамойиллари“ни чуқур “ўзлаштириб“ олишди, бошқалари эса катта авлод ибрати билан замон зайлига “мослашиб“ олдилар.

Иқтисод баҳона ҳаётнинг барча жабҳалари қатори матбуотга ва оммавий ахборот воситаларига ҳам “эгалик“ қилувчилар табақаси пайдо бўлди. “Мусиқани пули борлар буюришади“ деганларидек, тўловига туриб бергач, ижодкорга ўзи хоҳлаган руҳдаги “маҳсулот“ни буюрадилар. Шу тариқа “буюртмачи“лар измида қолган журналист-ижодкорлар ўзларининг “тўртинчи ҳокимият“ деган “унвон“ларини тобора йўқотиб бораяптилар, жамиятда ундайларга бўлган ишонч ҳам йўқолиб бораяпти. Жамият ишончи эса ўта нозик ва қудратли бир кучдир, бусиз қолиш жамиятдаги ўз ўрни ва мавқеини йўқотиш демакдир.

Ўтиш даврида турмушимизни қийин кечаётганлиги ҳақидаги фикрларга қўшилмасликнинг иложи йўқ, қолаверса, ҳар қадамда тамагирлик, порахўрлик, кўзбўямачилик, алдашлар... Хуллас, виждони бор, ҳалол инсон учун қийин ҳолат: узатмасанг, ишга олишмайди, “совға-саломинг“ бўлмаса, тузукроқ клиникада даволана олмайсан, кимнидир “ёғламасанг“, ҳатто ўз қонуний ҳуқуқларингдан ҳам фойдаланиш маҳол, ўқишга киришгача “эл қатори“ бўлиб қолди.

Ахир борар манзилимиз, қураётган жамиятимиз учун, унинг қандай кўринишда шаклланиши учун ҳар биримиз ҳам масъулмиз-ку. Айниқса, журналист ижодкорларнинг бунёд қилинаётган жамият тақдири учун масъулияти бошқаларникидан ортиқроқ эмасми? Чунки ижодкор ҳам бунёдкор ҳисобланади, у жамиятда соғлом муҳитни, ижтимоий онгни шакллантиришга хизмат қилади. Қалами ўткир кўплаб ижодкорлар нима билан банд бугун, улар қандай “каромат“ кўрсатишяпти? Бир қарашда улар ижод билан “зўр бериб“ шуғулланишяпти, хусусан, буни вилоятимизда тарқатилаётган турли “вазн“даги турфа газета-журналлар саҳифаларида кўриш мумкин. Лекин, афсуски, уларнинг бирортаси ҳам юқорида айтилган иллатлар ҳақида умуман ёзишга журъат этолмаяптилар. Бундай ижодкорлар қаламидан “тўлғоқсиз“ туғилаётган, ундан-бундан чала-чулпа эшитиб олиб, “арзон“ эҳтирос билан “бойитилган“, ўртамиёна ўқувчига мўлжалланган “асарлар“, асосан куракда турмайдиган турли тўқима воқеалар ҳақида бўлиб, уларнинг қадр-қимматини ҳеч бир маънавий-маърифий тарози билан ўлчаб бўлмайди.

Бир томонда игна билан қудуқ қазигандек қийин кечаётган миллий истиқлол ғояси тушунча ва тамойилларини кишилар, айниқса ёшлар қалби ва онгига сингдириш жараёни бўлса, иккинчи томонда соддадил одамлар онгини енгил-елпи, аниқроқ айтадиган бўлсак, “эротик ғоялар“ билан “заҳарлаш“ жараёни юз беряпти десак муболаға бўлмайди. Негадир, ҳозирги ёшлар улар наздида юксак тамаддунли Европага ҳатто Америкага “ҳавас“ қиладилар. У ердаги турмуш тарзига тақлид қилгилари келаверади. Аслида керакли жиҳатлардан кўра кўпроқ уларнинг ярoқсиз маҳсулот каби ҳавасидан қолган одатларга бериладилар. Ваҳоланки, у ерлардаги билим ва ақл эгалари ўз навбатида бизнинг аждодларимиз қолдирган маънавий меросга ҳайрат билан қарайдилар.

Қалбларимиз ва онгимиз эзгуликларни қабул қилишга ожиз бўлиб қолдими? Бу ожизликнинг боиси нима?

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги муҳим сўзларини ижодкор журналистларга эслатишни жоиз деб ўйлайман: “... қанча-қанча одамларимизнинг норозилигини уйғотаётган, жамиятимизни орқага тортаётган муаммо ва нуқсонлар, йўл қўйилаётган камчилик ва хатолар мавжудлиги ҳақида гапириш ортиқча бўлмайди. Энг муҳими, жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунча ва тафаккурга эга бўлган одамлардан иборат, деб ҳисоблаш хато бўлур эди... ҳеч шубҳа йўқки, ҳаётимизда мавжуд бўлган бошқа фикр ва қарашларни ҳам матбуотимиз саҳифаларида, телевидение экранларида, эфир тўлқинларида акс эттириш ва улардан тегишли хулоса чиқариш вақти келди...“

Хўш, биз ижодкорлар зиммамиздаги ана шу тарихий масъулиятни қалбимиз ва онгимиз билан тўғри ҳис эта оляпмизми? Фарзандларимизга барча ҳуқуқлари кафолатланган эркин ва обод Ватан қолиши, улар биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўла олиши учун сўзлаётган сўзимиз ҳам ишламоғи керак.

Жамиятимизда ҳукм сураётган бугунги маънавий ҳаёт ана шундай муҳим саволларга аниқ жавоб беришимизни тақозо этади. Энди бир лаҳза виждонимизга қулоқ тутайлик-да, сўнг жавоб берайлик: “Ҳар биримизнинг бу тарихий саволларга жавобимиз борми?“.

Бахтиёр МЎМИНОВ

Фарғона

Хаёл дамлари. Янги мусиқий асар дунёга келмоқда. Суратда: Таниқли бастакор Рустам Абдуллаев

Мухлисона

БИЗ ЎН ИККИНЧИ ЎЙИНЧИМИЗ

Ҳамма ҳам севимли жамоасидан ғалаба кутади. Айниқса, у ўзига нисбатан кучли ишонч уйғотган бўлса. “Пахтакор“ бизга шундай ишончни бахш этган эди. Ўз майдонидаги кўпгина ғалабалардан сўнг Таиланддаги “БЕК ТЕРО САСАНА“ билан бўлган ўйин натижаси биз мухлисларнинг кўнглига анча оғир ботди. Ахир биз “Пахтакор“нинг ғалаба қозонишига қаттиқ ишонардик. Жуда бўлмаганда дуранг ўйнаса керак деб ўйлагандик. Афсус, “Пахтакор“ 3:1 ҳисобида мағлубиятга учради. Мен севимли футбол командамизнинг мухлиси сифатида бу мағлубият сабабларини ўзимча таҳлил эта бошлайман.

Тўғри, ҳамма ҳам ўз уйида ўзини эркин ҳис қилади. Унинг устига мухлислар қўллаб-қувватлаб турса. Аввало ўйинда “майдон эгалари“ бўлиб тўп суришнинг оз бўлса-да аҳамияти борлигини футболчилар яхши билишади. Шу маънода ушбу учрашувнинг Таиландда бўлиб ўтганлиги ҳам маълум даражада таъсир кўрсатди, деб ўйлайман. Лекин “Пахтакор“ билан бўлган бу ўйинда “БЕК ТЕРО САСАНА“ мухлислари стадионни тўлдириб ўтиришмади, бу жиҳатдан бизга фойда бўлиши керак эди. Ундан ташқари, Бангкок ҳавосининг намлиги футболчиларимизни анча қийнаб қўйди чоғи, улар бундай оғир ҳавода ўйнашга ўрганишмаган. Ҳаво намлиги ўйин суръатини ҳам пасайтириб юборди. Менимча, “Пахтакор“ жамоасининг Бангкокка ўйинга атиги икки кун қолганда учиб кетганлиги ўйин мезбонлар фойдасига ҳал бўлишига кўмаклашди, дейишимиз мумкин. Балки вақтлироқ боришганда у ернинг ҳавосига ҳам ўрганиб қолишган бўлишармиди? Унинг устига сафар чарчоғи...

Хуллас, нима бўлсаям, ишқибозларга нақадар алам қилсаям “Пахтакор“имиз ютқазди.

Энди шу йил 22 апрел куни жавоб учрашуви пахтакоримизнинг “Пахтакор“ стадионида бўлиб ўтади. Агар бу ўйинда севимли командамиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозонса, финалга йўлланмани қўлга киритади. Умид қиламизки, футболчиларимиз бу гал бизни хурсанд қиладилар. Биз мухлислар ҳам стадионни тўлдириб ўтириб “Пахтакор“га руҳий мадад бўламиз. “Ўн иккинчи ўйинчи“ вазифасини бажаришга тайёрмиз!

Орзу АЪЗАМОВА,
Республика рассомлик коллежи талабаси

Бизга жавоб берадилар

ЛЎЛИНИНГ ДАРДИ НИМА?..

Газетамизнинг шу йил 25 феврал сонида журналист Муқаддас Исмоилованинг «Лўлининг дарди нима?» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Унда дайдиб юрувчи турли тоифадаги кишилар, хусусан, лўлилар ва божхона мавзуси тилга олинади. Муаллиф кўплаб ҳаётий кузатишлари ҳақидаги мулоҳазаларини ўртага ташларкан, лўлилар анъанавий удумларини адо этиш учун вилоятма-вилоят юришади, кейинги пайтларда бундай келиб-кетувчилар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриш зарурати пайдо бўлмоқда, «нафақат лўлиларнинг, балки юртма-юрт дайдиб юрадиган кишиларнинг ҳам қадамидан огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз» деган хулосани билдиради.

Таҳририят ушбу мақолани маълумот сифатида Давлат Божхона қўмитасига ҳавола этди ва мактуб юборди. Хатда бундай дайдиларга нисбатан қандай чоралар кўрилаётганлиги ва бу борада маълум бир қонун ҳужжатлари тайёрлашнинг зарурати тўғрисида мазкур қўмитанинг эътиборли фикрини билиш истагида эканлигимизни маълум қилдик. Қуйида Давлат Божхона қўмитаси томонидан юборилган жавоб мактуби билан танишасиз.

«Миллий тикланиш» газетасида чоп этилган мақола юзасидан Давлат божхона қўмитасига йўллаган хатингиз қўмита мутасадди ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Мақолада бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган — огоҳлик ва ҳушёрлик мавзуси акс этган. Муаллиф Муқаддас Исмоилова поездда ўзи гувоҳ бўлган ҳолат юзасидан куюнчаклик билан фикр юритади. Унда поезд салонида дайдиб юрган лўлилар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва юкларини божхона ходими текширмаганлиги хусусида ёзилади.

Мазкур хатга жавобан шуни маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикасининг 20 август 1999 йилдаги «Давлат чегаралари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат чегаралари орқали ўтувчи ҳар бир фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати чегара қўшинлари зобитлари томонидан кўрикдан ўтказилади. (Муаллиф М.И. ички божхона нуқталари ҳақида ҳам мулоҳаза юритади — Т) Улар олиб ўтаётган ҳар қандай юклар эса божхона ходимлари томонидан назорат қилинади.

Мақолада тилга олинган божхона ходими томонидан йўл қўйилган хатти-ҳаракати бўйича умумий хулоса чиқариш ноўрин бўлар эди. Албатта, бу каби салбий ҳолатларга чек қўйиш мақсадида Давлат Божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари шахсий таркиби ўртасида мазкур масалани чуқур муҳокама қилиб, юртимиз осойишталигини таъминлаш мақсадида янада огоҳ ва ҳушёр бўлиш лозимлиги юзасидан тушунтириш ишлари давом эттирилмоқда.

Ҳурмат билан
С. НОСИРОВ,
раис ўринбосари

МЕТРО ЗИНАПОЯЛАРИДА

Газетанинг шу йил 4 феврал сонида муаллиф Шарафиддин Кўнчининг “Метрога ҳамма тушадими?“ сарлавҳали мақоласида айтилган таклифлар билан танишиб, ушбу мавзу юзасидан қуйидагиларни билдирамиз.

Эскалатор метрополитеннинг чуқурлигини ҳисобга олган ҳолда қурилади (шу ўринда қанча чуқурликда бўлса эскалатор қурилиши рақамларда ифодаланса, янаям мақсадга мувофиқ бўлур эди – Т).

Қурилаётган Юнусобод йўналишидаги ҳамда метрополитеннинг тўртинчи “Отчопар-Сирғали“ йўналишидаги барча бекатларда қариялар, ногиронлар ва коляскалик йўловчилар учун лифтлар, эскалатор зинапоялари қурилиши кўзда тутилган. Яъни метрополитен зинапоялари ўрнига эскалатор ускуналари ўрнатилиши кекса ёшдаги йўловчиларга метрополитен хизматидан фойдаланишда қулай шароит туғдиради. Албатта, ҳозирги кунда “Юнусобод“ йўналиши бекатларида лойиҳалаштирилган эскалатор зинапоялари керакли даражада мавжуд эмас, чунки ушбу йўналиш бўйича, лойиҳадаги қурилиш ишлари давом этмоқда.

М. А. ОДИЛОВ,
метрополитен бошлиғи

ТАҲРИРИЯТДАН: ”Метрога ҳамма тушадими?” мақоласида қурилаётган Юнусобод йўналиши бекатларидан ташқари муаллиф “кекса йўловчи “Амир Темур“ бекатидан чиқаётганида 65 поғонани, вокзалда 54 поғонани, “Космонавтлар“ бекатида-64, “Тинчлик“да 60, “Ойбек“ бекатида эса нақ 80 поғонани босиб кўтарилиши керак“, деб ёзаркан, бу кекса ёки ногирон йўловчиларга ноқулайлик туғдиришини айтиб, мавжуд эскалаторсиз бекатларнинг бир қанотини ҳали ҳам бўлса эскалатор билан таъминлаб таъмирлашни таклиф қилган. Эҳтимол 50 – 60, 80 поғоналар бўйи жавоб хатида назарда тутилган чуқурлик бўйига етмагандир. Агар шундай бўлса, ўйлаймизки, бу ҳол белгиланган чуқурлик ўлчовини ўзгартириш, қайтадан кўриб чиқиш зарурлигини билдиради. Биз мутасадди кишилар бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрадилар, янги қурилаётган йўналишларда ҳам буни эътиборга оладилар, деган умиддамиз.

Мавзуга қайтиб

ТАҲСИЛ ТАҚОЗОСИ

Ёки ўқув харажатлари қандай белгиланяпти? Контракт: талаба, ота-она, бугун ва келажак

(Боши 1-бетда)

ститутнинг шундоқ биқинидаги ётоқда турадиган, транспортга ҳафтада бир-икки тушадиган талаба ҳам. Шу... тўғримикин? Оқибатда, ойлик патта сотиб олишга мажбур бўлган, аммо кам қатнайдиган талабаю ногиронлар, пенсионерлар йўлкирани амалда ҳатто кўпроқ(!) ҳам тўламаяптими? — дейсиз. Чунончи, олти мингга чипта олган одам, ой давомида йигирма марта транспортга тушди, дейлик. Кейин касал бўлиб қолди (кекса, ногирон...). Автобус ё метрога ҳар тушиши - уч юз сўмдан тўғри келиб турибди-да.

Бу борада, масалан, Белоруссияда, талаба талабалик билетини, пенсионер эса пенсия дафтарчасини кондукторга кўрсатса бўлди, йўлкиранинг ярмини тўлаб кетаверади, ҳеч кимда савол туғилмайди.

“Гибкая система” дегани шу, яъни, қулай. Ҳеч кимга малол келмайдиган. Бу сўзнинг зидди эса қўпол, тўнг ва ҳоказо. Аслида-ку, биздаям ҳеч ким ногирону талабаларнинг йўлкираси ҳисобига бойиб-битиб кетишни ўйламайди, аммо бояги “гибкий”ликнинг етишмаслиги панд беради-да.

Биз эса ана шу “гибкость”ни янада мукаммалллаштириш, ҳаётимизнинг барча соҳаларига татбиқ этиш зарурлиги ҳақида сўз юритмоқчи эдик. Муддао - шу.

...Ўтган йил сентябрнинг бошларида – байрамнинг эртаси ё индини эди шекилли, бир ҳамкасбим ишга бўшашиброқ келиб қолди. Кайфияти хийла нохуш. Боисини сўрасам, ҳафсаласиз қўл силтайди: "Э, қўяверинг". Билсам, кеча ишдан қайтишига ўртанча ўғли "сюрприз" тайёрлаб, кутиб ўтирган экан. Йигитчанинг ўзи ҳам сиқилавериб боши оғриб қопти – учинчи курсга ўтган, "контракт"да ўқир эди, бултурги 260 минг сўмлик ўқиш пули бу йил "лоп" этиб, 404 минг бўлибди-да!

— Ҳаммадан ҳам алам қиладигани, ўғлимнинг "бюджет"га ўтишига атиги 0,5 балл етмай қолганди, - дейди бечора олим. - Буларнинг факултетига юзта бола ўтган бўлса, шунинг қирқтаси бюджет ҳисобидан ўқийди, олтмиштаси "контракт"да. Билсангиз, фарзандим рўйхатда қирқ биринчи бўлган, "бюджетчи"ларнинг охиргисидан бор-йўғи ярим балл кам. Ҳозир-ку, нафақат гуруҳда, балки бутун курсда энг аълочиси шу, ҳатто "бюджетчи"ларнинг энг олдиндагисидан ҳам пешқадам, аммо энди бундан нима фойда? Нима қилиб бўлсаям, тез кунда 404 минг сўмни топиб, институт кассасига топширишим шарт. Бўлмаса, ҳам ўғлим ўқишдан кетади, ҳам олдинги йилларда тўлаган пулим куяди. Эҳ, ўқиш пулини шунақа ошишини билганимда, боламни асло қўймас эдим, аттанг...

— Ҳали сизда битта бола экан, шунга шукур қилинг, икки-уч нафар болаcи “контракт” асосида ўқиётган ота-оналар ҳам борлигини биларсиз?

— Энди, балким, улар тўлашга пули етарли бирон ошпаз ё чайқовчидир, мен эса бор-йўғи бир олим одам бўлсам...

Тасалли бериш учун яна гап топишга уринаман:

— Ўқиш пулини тўлаш учун талабаларга махсус таълим кредити ажратилган, ноумид бўлманг, биродар.

— Ана ўша пулни ҳам бир куни тўлашим керак-да, ҳатто, проценти билан?..

Ўша куни уйга қайтганимдан кейин ҳам бечора илмий ходимнинг дилгир қиёфаси кўз ўнгимдан кетмай туриб қолди. Ва ҳанузгача бир саволимга жавоб тополмайман: ажаб, ўқиш пули мунча қиммат? Унинг миқдорини ким белгилайди ўзи? Нималардан келиб чиқиб белгилайди?..

Хомчўт қилсам, тўрт йиллик бакалавриатнинг ҳар курсида олтмиштадан “контракт”чи таълим оладиган кичик бир факултетда йилига қарийб 100 миллион сўм тўпланар экан. 100 миллион! Шу пулнинг қанча қисми айнан ана шу “контрактчи” талабалар учун сарфланаркин? Қолгани-чи? Наҳот билим олиш учун тўланадиган пул суммасини сал камайтириш мумкин эмас?

Азиз Несин ҳикоясидаги бир одамга ўхшаб, ҳисоб-китобга тушиб кетасан шунақада. Хў-ўш, институтда профессорлардан тортиб ассисентгача олимлар дарс беради, “ўртача” домла – доцент десак, у ўртача 30 минг сўм мояна олади. Шунинг 60 фоизи - 18 минг сўм “контрактчи”лар ҳисобидан бўлиши лозим (40 фоизи бюджетдан, чунки талабаларнинг 40 фоизи бюджет ҳисобидан ўқийди). Демак, бир домлага бир йилда 216 минг сўм. 100 миллион сўмнинг 28 миллиони контрактчи талабаларнинг ўзига - бир йиллик стипендиясига кетади. Шунда, қолган 70 миллион фақат муаллимлар маошига сарфланса, йил давомида 324 нафар доцентни “боқиш” мумкин экан... Бир факултетдаги домлалар сони лоақал шунинг ўндан бирича чиқармикин ўзи? Бор бўлса, хўп, пулнинг қолган ўндан тўққизи – 63 миллиони яна нималарга сарфланади? Бино амортизацияси, десак, бунча пул билан битта факультетни эмас, бутун бошли институтни ҳар йили капитал таъмирлайвериш мумкин-ку?

Балким, бу ҳисоб-китоб ниҳоятда жўндир, мен ақчанинг асосий қисмини сўриб оладиган бошқа манбаларни билмасман, эҳтимол, олий ўқув юрти шу ҳисобдан қанчадир солиқ тўлар - ким билади дейсиз? Аммо нима бўлганда ҳам, асосий гап шундаки, бунча пулнинг олдида арзимас чақадай кўринган 404 минг сўмни топиш учун ота шўрлик шунча қарз кўтариб, муҳтарам институтнинг эъзозли кассасига топшириши шарт. (Талабанинг ота-онаси ҳаёт бўлмаса, аҳвол яна мураккаблашади). Кейин эса ойига энг камида 40 минг сўм нақд мояна берадиган иш топиб, ойма-ой қарз тўлаши, бутун оила аъзолари эса емай-ичмай, кийим сотиб олмай, солиқ ҳам тўламай, кўчада яшаши лозим бўлади. Ота (ёки она) ягона боқувчи бўлгани ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақи олиб ишласа-чи? Бор-йўғи шунча моянa оладиганлар йўқ дейсизми! Ҳисоблаб кўрилса, ҳисоб-китобнинг ҳожати қолармикан? Менинг хомчўтим бўйича, боласини тўрт йил ўқитиши учун бундайлар 27 йил қишин-ёзин ишлаб, бир тийинни ҳам бежо қилмай институтга тўлаши керак. Лекин институт дегани нари борса 27 кун кутиши мумкин, холос. Ажаб, пули йўққа ўқиш ҳам йўқмикан энди?

Тўғри, кўплаб чет мамлакатларда ҳам ўқиш баҳоси жуда юқори - йилига минг-минглаб доллар туради. (Шу билан бирга, ўз валюталари қиймати нуқтаи назаридан қараганда контрактни 200 $ қиймати миқдорида белгилаганлари ҳам бор, албатта, буни биласиз. Балки, у ерлардаги ўқитиш шароитларидан биздагиси устунроқми, деймиз)... Аммо ёш мутахассис ишга киргач, ўша пулни бир неча йилда “қайтариб олиши” мумкин. Бизда-чи? Кечаги талаба ишга кирса, қанча ойлик олади? Ўртача – ўн беш минг сўм атрофида. Шунда тўрт йил бадалида тўлаган 1 миллион 600 минг сўмни тиклаш учун у роса тўққиз йил нина ҳам сотиб олмай ишлаши шарт. Борди-ю, ойлигининг ярмини еб-ичиб дегандай, қолганини тўпласа – 18 йил. Уйланиш, тўй қилиш, уй қуриш, машина сотиб олиш каби оддий инсоний орзуларга эса, демак алвидо - қариб қолади!

Институт ва университетлардаги таълим ҳаққини ҳар қанча кўтарса бўлади, аммо, Абдулла Қаҳҳор айтганидай, бунинг “кичкина бир шарти” бор. Бу шарт шундан иборатки, олий маълумот олган ёш мутахассис ишга киргач, оладиган маоши ўқиш учун сарфлаган пулини иложи борича тез “қайтариш”га имкон берсин. Акс ҳолда, бу ўқиш-ўрганишга, билим олиб, юксак маърифатли, зиёли киши бўлишга эҳтиёж пасайиб кетишига олиб келади.

“Контракт” асосида ўқиш-ўқитиш замон тақозоси, буни тушунамиз, аммо ишнинг бошини эмас, пировард-натижасини ҳам ўйлаш кеpакмикин. Назаримизда, таҳсил учун тўланадиган пул миқдори иложи борича минимумга келтирилиши керак.

Рост, ҳозир деярли ҳеч бир институтда “контрактчи” етишмай қолаётгани йўқ. Чунки имтиҳонни яхшигина топшириб, контракт гуруҳининг олд сафида фамилияси чиққан, аммо ота-онасининг қўли қисқалиги туфайли, ўқишга кириш учун берган аризасини минг бор ўқсиб, армон ва алам билан қайтариб олаётган ҳар битта абитуриентни пойлаб, камида беш-олтита пулдор ота ректорнинг ортидан изма-из юрибди. Рўйхатнинг этагидан ҳам жой тегмаган боласини қабул қилишни сўраб ариза битиб, кўз-кўзлаб, тайёр турибди. Шундай бўлгач, ўқиш учун тўланадиган пул миқдори ошмай нима қилсин!

Замона зайли, деганлари шу бўлсамикин? Йўқ. Ундай эмас. Камбағаллиги туфайли ноумид қайтган зеҳнли бир боланинг ўрнига пулдору довдир бир пандавақи ўқишга кирадиган бўлса, унинг қай даражада “мутахассис” бўлиб етишишини олдиндан тайин биламиз, у нафақат бояги билимли бир ўсмирнинг истиқболига зомин бўлади, балки бутун жамиятни орқага қараб тортувчи дипломли азамат бўлиб етишиши турган гап. Пул билан ўқишга кирган бола пул билан иш битирадиган ходим бўлиб етишади-да, бошқа кимни кутиш мумкин бўларди.

Бугунги талаба - эртанги интеллигент. Миллатнинг умиди у. Ана шу бўлғуси зиёлиларнинг ярмидан кўпроғи бугун “контракт”да ўқияпти. Масаланинг нақадар муҳимлиги ойдинлашаётгандир? Демак, “контракт” таълимининг ҳар бир жиҳатини йил сайин қайта кўриб чиқиш, такомиллаштираверишкерак. Ва бунда у ёки бу институтнинг молиявий манфаатини эмас, ватан истиқболини, эртанги равнақини биринчи ўринга қўйиб кўриб чиқиш лозим.

Талабалар манфаатини ҳам.

Талабаларнинг манфаатини ўйлайдиган бўлсак, мен контракт асосида таълим бериш учун ҳақ олишни бу қадар жўн ва механистик ташкил этмасликни таклиф қилардим. Менинг жайдари тушунишимча, жами болаларни олий ўқув юртларида ўқитиш учун ҳақнинг 40%ини давлат ўз зиммасига олган, 60%и эса ўқувчилар ҳисобидан бўлиши керак, деб белгиланган. Аммо бу, ўқишга кирган болаларнинг аввалги 40 фоизи ғирт текин, қолгани эса бир хилда тўлиқ ҳақ тўлаб ўқисин, дегани эмас-да.

Албатта, ҳамманинг бир хилда ҳақ тўлашини ҳам таклиф қилиш ноўрин, чунки пешқадам ўқувчиларни рағбатлантириш шарт. Хўш, нима қилиш керак? Менимча, ҳеч бўлмаганда, дастлабки йил учун **ҳақ тўлаш белгиланаётганда абитуриентларнинг кириш имтиҳонида тўплаган балларидан келиб чиққан ҳолда, барчанинг ҳақ тўлашини жорий этиш керак.** Яъни, биринчи ўринда қабул қилинган бир нафар талаба бир сўм ҳам тўламайди, кейингилари тўлайдиган ҳақ эса тўплаган баллининг миқдори камайгани сари, оздан оша боради. Муайян факултетга энг охирги бўлиб кирган бола эса, албатта, энг кўп – 100% ҳақ тўлаши керак. Бўлмаса, боягидай, ўқишга қирқ биринчи бўлиб кирган талаба, қирқинчи ё ўттиз учинчи бўлиб “бюджет”га кира олган, аммо билим соҳасида ўзидан хийлагина орқада бўлган омадли курсдошидан фарқли ўлароқ, тўрт йил давомида камида 1,5 миллион сўм тўлаши, ё ўқишдан воз кечиши лозим бўлади. Ахир, ўқишга юзинчи бўлиб бир амаллаб кирган, ёки аслида салкам икки юзинчи ўринни эгаллаган, пули йўқнинг ўрнига кирган, судралиб “ўқиётган” деярли саводсиз бир талаба билан тенглаштириш... шу бироз ноҳақроқми дейман?

Иккинчидан. Бюджет ҳисобига ўқишга кирган, аммо нима учундир(?) уч баҳога зўрға ўқийдиган, ҳар сессия имтиҳонларини аранг топширса ҳам, стипендияни гарантия билан олаётганлар анчамунчалигини ким билмайди? Ахир, бюджет асосида кирганлар ҳам ўз боламиз, контрактчилар ҳам. Агар ҳар йилги “контракт” тўлови ундан олдинги йил сессиялари якунига қараб белгилансайди, талаба пешиндан кейин ишлаб пул топишга эмас, кутубхоналарга бориб, теранроқ билим олишга ўзини урарди, албатта.

Эҳтимол, ҳар бир талабанинг ўқиши даражасига қараб ҳақ тўлашини ҳисоблаш қийин бўлади, деб ўйлашар. Йўқ. Биласиз, ҳозир ҳар бир ташкилотда компютер деган нарса бор. Унинг шарофати билан ёзиш-чизиш, ҳисоблаш иши беҳад осонлашди, тезлашди. Аввал бир муҳосиб бир ҳафта чўт уриб қиладиган ишни компютер бир неча дақиқада бажаради. Демак, эндиликда ҳар бир соҳада иш натижасини заргарнинг тарозисидек аниқ ўлчаш ёки кишининг чекига тушадиган тўловни бир лаҳзадаёқ аниқ-тиниқ белгилаш мумкин. Ва бунда ташкилотдаги одамлар сони, амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги деярли аҳамиятсиз.

Нега бу мўъжизотдан тузукроқ фойдаланмаймиз?

Яқинда газетада ўқиб қолдим - қайсиям бир вазирликда ўқишни битираётган “бюджет”чи талабаларни иш ўрни билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилибди. Ие, хўш, “контракт”да ўқиганлар-чи? Улар шунчалик ўгай болами бизга? Тўрт-беш йил пул тўлаб ўқиб, юрт корига ярайдиган мутахассис бўлиб қолганига қувониб, сал енгил нафас олган чоғида бунисиям борми ҳали?

Мен, олий таълим соҳасида ишламайдиган бир одам, юқорида кўтарилган масаланинг бошқа бирқанча жиҳатларини эҳтимол илғамагандирман. Билганим - ўзбеклар серфарзанд, болажон эл келади, кетма-кет вояга етаётган фарзандларининг ўқиши, “одам бўлиши” учун ўзидан кечиб ишлаётган, бировларга сарғайиб, қарзга ботган анча-мунча одамларни кўрганман. Ана ўшаларнинг умри ҳам умр, аслида. Одам фақат келажак учун, у қанчалик буюк бўлмасин, биргина уни деб эмас, бугунги куни, ўзи учун ҳам яшаши керак-ку.

Ушбу мақолани ўқиб “контракт” масаласи билан шуғулланадиган, фалон институтнинг фалон факултетида ўқиш баҳоси мунча деб, шу ихтисоснинг “рейтинг”ига қараб пул бичадиган акахонларнинг пешонаси тиришмай қолмас-ов. Сўнг, “тўғри тушунадиган” бирон қаламкаш ўзига тақдим этилган бир папка “далиллар”ни пеш келтириб, бирон инкорнома ёзиб чиқса ҳам ажабмас. Ва ундаги раддиялар бисёр асосли, тош босадиган бўлишига ҳам шубҳамиз йўқ. (Фалон тадбирларни ўтказишга ажратилди, ёки маданий ободонлаштириш ишларига сарфланди, талабаларга моддий ёрдам берилди (талабалар ҳисобидан-а?), ремонт, қўшимча бино, янги ускуналар дегандай. Биз учун инсон манфаати устунроқ бўлиши лозим). Аммо ҳар йили августнинг ўрталарида тест синови натижалари осилган тахта қаршисида туриб, ўқишга “контракт” асосида кирганини кўриб, қувониш ўрнига тарвузи қўлтиғидан тушган, унча-мунча билимли ва уқувли, аммо ота-онасида таҳсил учун тўлашга пул топилмаслигини дилида алам билан иқрор қилиб, ноумид узоқлашаётган йигит-қизларни ҳам кўрганмикин улар? Бу - биттагина, аммо фақат ақлни иноントирадиган эмас, кўнгилни ҳам алланечук қиладиган далил, билсангиз.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ

Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан

УНУТ БЎЛМАС ЛАҲЗАЛАР

Қадри абад, бетакрор буюк шоиримиз академик Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётган шу муборак кунларда унинг энг яқин, энг азиз дўсти, улуғ шоир ва олим Мақсуд Шайхзоданинг Ғафур Ғулом вафотидан кейин ёзган «Ғафурга хат» шеърини яна қўлимга олдим. Муаллиф чуқур қайғу ва изтироб билан ёзган эди:

«Хайр!». демай кетганинг
не деганинг у?
«Тез қайтарман бемуҳлат»
деганингми у?
«Ўлим асли ўткинчи бир
ҳодиса-ю
Ҳаёт мангу бир ҳолат!»
деганингми у?

Ғафур ака билан жуда кўп учрашганман. Бугун бу учрашувлардан фақат айримларини, ўз назаримда унутиб бўлмайдиганларинигина хотирлайман.

1. ТОШКЕНТДА

1936 йилнинг ёзида «Маданий инқилоб» газетасида ишлаётганимда халқ маориф комиссарлигининг (вазирлик) дарсликлар бўлими ходимларидан бири хонамга кириб:

— Сизга ғоят муҳим топшириқ бор. Н. Г. Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?» романидаги қаҳрамонларидан бири Вера Павловнанинг биринчи тушини таржима қилиш керак, у хрестоматияга киритилади, — деди. Ишни қабул қилдим. Китоб бетларини варақлаганимда шундай сатрларга кўзим тушди: «Рос колос от колоса, не подавая голоса». Турли вариантларда таржима қилиб кўрдим. Жумладан, «Бошоқлар ёнма-ён ўсар, бир-биридан ўзар». Мақсуд Шайхзодага кўрсатсам «Ёмон эмас, лекин маъно йўқ. Мен ўзбек мақолларини ҳали яхши англаб етганим йўқ. Бугун Ғафур келади, у айтиб берар», — деди. Ғафур ака келиши билан ёзганларимни кўрсатдим. — Чиқаромабсан, эртага Маяковский шеърларининг охирги таржималарини обкеламан, шунда айтиб берарман, — деди.

Эртасига келибоқ — Мана, шоир Воғиз, бундай деб ёз — «Қўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис», — шундай десак роман муаллифи ўйлагандай бўлади. Умуман Чернишевскийни билган яхши. Унинг Кирсанов, Рахматовдай қаҳрамонларини андоза қилса арзийди.

* * *

Ўша воқеадан бир йилча бурун «Ёш ленинчи» газетасининг 3-бетида менинг «Сароб» романи ҳақидаги мақолам босилган эди. Уни Ғафур ака ҳам ўқиган экан.

— Журъатли йигит экансан. Катта мавзуда мақола ёзибсан. Кўп гапларинг ҳаққоний, лекин айрим фикрларинг чала айтилган. «Саидийнинг ўлими унинг беқарор, иродасиз зот эканлигини кўрсатади. Аслида уни янги ҳаёт учун курашувчи ботир йигит образида тасвирлаш керак эмасмиди» деган гапларинг асосли эмас. Сен хафа бўлма, бундай мавзуларда қалам тебратиш учун ёзувчининг ижодинигина эмас, бутун ҳаётини ҳам яхши билиш керак. Аммо дадилликни қўлдан бой берма. Кўпроқ ўқи, айниқса, Ғарб ва рус романларига эътибор бер. Ўқиганда ҳам ҳар бир асарнинг мағзини чақиб ўқи, — деб маслаҳат берди улуғ шоир.

1933 йилда, яъни даҳшатли очарчилик йилида Ғафур Ғуломнинг 30 йиллиги редакциямизда камтарона нишонланди. Ўша куни редакциямизга келган шоир руҳи баланд, кайфи чоғ эди.

— Сен Воғизбой, тилимизни яхши ўрганяпсан. Мақтасам ҳам бўлади. Аммо она тилингни унутмадингми? Татар адабиётини биласанми? — деб сўради мендан Ғафур ака.



Бу Ватан мақтовларин ҳар қанча ёзсанг
оз экан,
Шеъру меҳнат, мусиқий, санъат бари
дамсоз экан.

(Ғафур Ғуломнинг суратдаги дастхати)
1964 йил чизилган сурат.
Рассом: К. В. Пионтик

— Тилимизни-ку унутганим йўқ, имлодан нўноқман. Адабиётдан Абдулла Тўқай, Олимжон Иброҳимов, Ҳодий, Тоқтош, Одил Қутуй каби ижодкорларнинг асарларини ўқиганман.

— Қани, Тўқай шеърларидан бирontaсини ўқиб бер-чи?

Мен у пайтларда Тўқайнинг «Шўрали» поэмасини, кўп шеърларини ёддан билардим. Бу сафар шоирнинг дангал саволидан довдираб қолдим. Лекин эсимга тушган мисрани шоирона қилиб айтдим:

«Ул тута от қуйруғин-да
Бик-узун соч, деб қўйа.
Нек лекин бошда тугул
Танқидга муҳтож деб қўйа...»

Ғафур ака қарсак чалиб юборди, бошимни силаб, — Балли иним, — деди. Кейин қўшиб қўйди: — Бу ҳамма туркийзабон халқларнинг катта шоири Абдулла Тўқайнинг «Муnaққидга» шеъридан парча.

Ғафур акадан олган сабоқларимни тўла-тўкис ёзадиган бўлсам, бир китоб бўлади. Мен фақат ўқувчига, замондошга у кишининг ижодкорлигидан ташқари мен ва менга ўхшаганларга ўз маслаҳатларини аямаган, чин инсон ҳамда мураббий бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман. Зеро, Ғафур ака ҳаётга фақат кўтаринки руҳ билан қараган, барча машаққатларни ўз кучи ва иродаси билан енга олган чинакам инсон ҳам эди.

1937 йилнинг январида бўлса керак, Аъзам Аюб ва Иззат Султон имзоси билан марказий «Правда» газетасида Алишер Навоийга бағишланган катта мақола эълон қилинди. Уни ўқиб, Ғафур ака бизникига келиб (1934 йилдан 1938 йилнинг бошигача Иззат Султонов квартирасида яшаган эдим), Иззат акани қучоқлаб, мақолага юксак баҳо берди ва шундай деди:

— Бу мақоланинг аҳамияти шундаки, марказий газеталарда ундан олдин Алишер Навоий ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган эди. Улуғ шоир ва мутафаккир бутун жаҳонга маълум бўлса-да, Россияда уни фақат шарқшунос олимлар билишади. Ишончим комилки, вақти келиб бизнинг улуғ бобомизга бағишланган тантаналар Москвада ҳам албатта бўлади.

— Бунинг учун, — деди Иззат Султон, — фақат олимлар эмас, таниқли шоирларимиз ҳам ўзларининг баракали ҳиссаларини қўшиши керак.

— Тўғри айтасиз, Иззатулло, — жавоб қилди Ғафур ака. — Мен «Фарҳод ва Ширин» достонини саҳнага олиб чиқиш учун унинг насрий вариантини бошлаяпман. Ҳамза театримизда бу асарни қўйиш учун етарли кучлар бор.

Ўша куни Ғафур Ғулом билан Иззат Султон Алишер Навоий ҳаёти ва ижодидан кенг халқ оммасини хабардор қилиш йўлида маслаҳатлашиб, баҳслашдилар ва ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб самимий хайрлашдилар.

2. ФАРҒОНАДА

Агар Ғафур Ғулом Фарғона вилоятини, унинг одамларини, табиатини, алоҳида, яъни бошқачароқ севар эди, десам назаримда муболаға бўлмайди. Мана, кўп далиллардан бири. 1963 йилнинг ноябри эди. Пахтакорларимиз давлат режасини бажариб қўйиб, зиммаларига олган мажбуриятларини адо этиб, давлатга 465 минг тонна оқ олтин топширган кунлар эди.

Фарғонага Ғафур ака етиб келди.

— Телефон ҳам қилмайсизлар, катта ғалабага эришганларингиз ҳақида Тошкентда эшитиб, Фарғонага ошиқдим. Ҳозир ўтириб, мақола ёзаман. Шу сонга берасизлар, — деди қатъият билан Ғафур ака.

Соат олтидан ошган. Саҳифалар тайёр бўп қолган, фақат 4-бетнинг чаласи бор эди.

— Ғафуржон ака, — дедим, — тўртинчи бетга берсак майлими?

— Бу нима деганинг, мен эълон обкелганим йўқ. Мақола ёзмоқчиман. Уни биринчи бетга ёки учинчи бетга кўринарли қилиб берасан. Тошкентда ишлаётганингда босилаётган газетани тўхтатиб, мени ёзганларимни қўйдирар эдинг-ку. Фарғонага келиб айниб қолдингми?

Ғафур акани муҳаррир хонасига бошладим. Машинкачи қиз билан машинкани ҳам шу ерга обкелтирдим.

— Мана, учинчи бет сизники, қанча ёзсангиз ёзинг, Ғафур ака, — дедим-да ўзим босмахонага югурдим. Учинчи бетни тўртинчига олиб ўтдим. Муҳарриримиз Абдулла Мирзаев ҳам шу ерда экан.

— Ҳа, Воғиз, нима қиляпсиз? — деди.

— Ғафур ака мақола ёзяптилар. Учинчига бермасак бўлмайди, — деб айтдим.

— Бўпти, ўзингиз у ёғини қилаверинг. Мен меҳмон олдига кетдим, — деди Абдулла ака.

«Коммуна» газетасининг 1963 йил, 20 ноябр сонидаги учинчи бет Ғафур аканинг «Ғалабанг муборак, гўзал Фарғона» сарлавҳали катта мақоласи билан жуда чиройли безатилиб чиқди. Мақола шундай бошланган эди:

Учраган ўзбекдан сўрасанг агар,
Қалбингда қай ўтлуқ гавҳар
ягона?
Ёқут лаб тебратиб беради
хабар,
— Бебаҳо Ватаним, гўзал
Фарғона.

Жаҳонни истаган бурчига
бориб,
Фарғона номини тилга олсанг
бас.
Тизма тоғ авжида офтоб ёриб,
Дил зарбин тезлатар мисоли
нафас.

Эски табобат китобларида илмни мунтазам, руҳни эркин, кўзни равшан, зеҳнни тиниқ, вужудни соғлом қиладиган воситалар деб шуларни айтади: юлдузли осмонга қараш, оқин сувни сайр этиш, кўкаламзорларни томоша қилиш, гўзалларнинг жамолига термулиш, яхши дўстлар билан суҳбат қилиш, ҳалол унумли меҳнатга одатланиш. Мана шу воситаларнинг ҳаммаси ҳам менинг Фарғонамда бор».

Олти юз сатрдан кўпроқ бўлган бу мақолани қадрдон устозимиз 45-50 минутда ёзиб бўлдилар. Газетамиз ўз вақтида ва жуда чиройли чиқди. Олтмиш мингдан зиёдроқ нусхада босилган газета қимматбаҳо ёдгорликдай жуда кўп фарғоналикларга зарур бўлиб қолди. Ой охирларигача редакциямизга газетанинг ўша сонидан юборишни сўраб хатлар келди. 2 тийинга сотилаётган газета бир сўмга ҳам топилмай қолди. Ўша мақоладан яна кўчирмалар олгим келади. Ахир унда Фарғона хирмонига улкан ҳисса қўшган меҳнаткашлар ҳақидаги сўзлар тошга ёзилгандай битилган:

«Шу вазмин юкни тайёрлаган миллионлаб меҳнаткашларнинг қай бирисининг номини айтай? Эски шоирлар таърифи билан айтганда, буларни номма-ном зикр қилиб, мақтаб чиқиш учун Фарғонадаги ҳамма ёғочлар қалам бўлса, ҳамма сувлар сиёҳ бўлса, ҳамма япроқлар қоғоз бўлса ҳам етмайди-ку! Демак, бир-иккиларини айтиш шу обод хонадондан хабар бериш билан баробардир. Фарғонанинг кўзлари чақнаб турган, бир сўзли тезкор йигитларига ҳавас билан қарайман».

— Қизларигачи? — дейман қувлик билан.

— Водийнинг кўҳли қизларида гўзал иффат ва жозибали ғурур бор, кўриб тўймайсан уларни, яшариб кетасан, — деб жавоб қилди Ғафур ака.

1950 - 1960 йилларда Ғафур Ғулом ўзининг бир қанча янги шеърларини илк бор «Коммуна» (ҳозирги «Фарғона ҳақиқати») газетасида чоп қилдирар эди. Ҳозирги кунда таниқли шоирлар бўлиб етишган Йўлдошали Сулаймонов, Охунжон Ҳакимов, Малика Мирзаева ва бошқа баъзи ижодкорлар Ғафур ака билан учрашиб, унинг насиҳатлари ва маслаҳатларини олгани маълумдир.

Ижодкорларгина эмас, турли касб эгалари, оқсоқоллар, машҳур деҳқонлар, муаллимлар, ёшлар буюк шоиримизни билишар ва чин дилдан ҳурмат қилишар эди. Китоб дўконларида халқ шоирининг асарлари доимо қўлма-қўл бўлиб кетар ва ҳеч қачон токчаларда ётиб қолмас эди. Ҳозир ҳам шундай. Улуғ зотлар узоқлашган сари уларнинг қадри ошаверади, сўзлари кучлироқ жаранглайди, мерослари эъзозланади.

Воғиз МУЗАФФАРОВ,
кекса журналист

ҚИШЛОҚҚА шифохона зарур

ДОКТОР ВАҚҚОСОВНИНГ ЮТУҚ ВА АРМОНИ

Кишилар кўпинча ўзлари яшайдиган ёки ишлайдиган манзилни аниқроқ кўрсатиш учун ўша атрофдаги бирон бир йирик объектни мўлжал қилиб кўрсатадилар. Ўша йирик объект (иншоот) шарофати билан кишилар осонгина ниятларига эришадилар. Қишлоқ одамлари ўзлари яшайдиган жойни аниқ белгилаш учун ён-атрофдагиларга машҳур кишиларнинг хонадонини мўлжал қилиб кўрсатадилар. Машҳур кишиларнинг уй-жойигина эмас, балки уларнинг шахсий сифат ва фазилатлари, феълу атвори ва касбий маҳорати ҳам одамларнинг маънавий камолоти йўлида мўлжал бўлиб хизмат қилади. ҒИЁСХОН ВАҚҚОСОВнинг номи у яшайдиган хонадон фақат хонқизликларгагина эмас, балки Фарғона туманидаги Чимён, Водил, Қўрғонтепа, Миндон, Оқбилол каби қишлоқ одамлари учун ҳам азиз ва табаррукдир.

Хонқиз ва Қўрғонтепа қишлоқларида ўттиз мингдан зиёд аҳоли яшаётган бўлишига қарамай ҳозиргача шифохонаси йўқ. Бироқ уларнинг дардига малҳам бўладиган олижаноб Ғиёсхон Ваққосов номи билан танилган доктори ва унинг таниш хонадони бор! Қўшни қишлоқларда ва ҳатто туман марказида ҳашаматли шифохоналар бўлгани ҳолда одамлар дардига шифо топиш илинжида Чимён кончилар шаҳарчасидаги шифохонада ётиб даволанадилар, чунки Ғиёсхон Ваққосов шу ерда ишлайди.

Доктор Ваққосовнинг эл оғзига тушишининг боиси нимада? Нима учун қишлоқ одамлари унга ихлос қўйдилар. Шу саволларга жавоб бериш асносида қишлоқ медицинасининг бугунги кундаги муаммолари ҳақида ҳам фикр юритсак.

Ҳозирги замон медицинасининг фан ва техникаси, тезкор даволаш усуллари қанчалар тараққий этмасин, медицина амалиётида врач шахси, унинг обрў-эътибори, касбий маҳорати ва инсоний фазилатлари етакчи ва ҳал қилувчи омил бўлиб қолаверади. Врачга бўлган ишонч ва ҳурмат – муваффақиятлар гаровидир. Врачнинг шахсий фазилатлари, ўз касбига ва одамларга бўлган муҳаббати медицина амалиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ерда гап яхши врач ролини ўйнаш ҳақида эмас, балки самимий ва беғубор меҳр-муҳаббат ҳақида боряпти.

Ғиёсхон ака буюк ҳаким Ибн Сино изидан бориб, хасталикни аниқлашга киришишдан олдин беморнинг руҳий кечинмаларини тушунишга, унинг болаларча инжиқликлари ва ғашликларига сабр-тоқат билан чидашга, уни тинглашга ҳаракат қилади. Врачнинг ширин сўзи, самимий ва илиқ муносабати бемор дардини енгиллаштиргандек бўлади. Унинг қаршисида турган врач ўзини касалликка қарши курашувчи жангчи каби эмас, балки касалликни яхшиликча таслим бўлишга мажбур қилувчи донишманд ҳаким каби тутади: тажрибали ва моҳир, босиқ ва мулоҳазали врач қўлидан албатта шифо топишига ишонч ҳосил қиладилар.

Ғиёсхон ака ўз ишига фақат фан деб эмас, балки санъат деб, одамлар дардини енгиллаштириш ва уларни қийнаётган хасталикдан тезроқ ҳалос қилиш воситаси деб қарайди. Одамларнинг унга бўлган ҳурмат ва ишончи Ғиёсхон аканинг масъулиятини янада кучайтиради, бунинг учун тинимсиз изланади, медицинанинг сўнгги ютуқларидан огоҳ бўлишга интилади. Беморларга медицина соҳасидаги янгиликлар, кундалик ҳаёт ва турмуш муаммоларига оид қизиқарли мақолаларни ўқиб беришдан, улар билан эркин ва жонли суҳбатлашишдан зерикмайди. Доктор Ғ. Ваққосов шунчаки маҳоратли врачгина эмас, балки илм-маърифат тарғиботчиси ҳам эканлигини ҳамюртлар мамнуният билан таъкидлайдилар.

Тикланиш одамлари

Атроф қишлоқлардаги ўнг минглаб-юз минглаб кишиларнинг ишончи ва ҳурматини қозонишнинг ўзи бўлмайди. Ғиёсхон ака дардига даво тополмай, ҳаётдан умидини узган ва ўлим тўшагида ётган ўнлаб ва юзлаб беморларни ҳаётга қайтарган, умрига умр қўшган ўта заҳматкаш ва камтарин инсон эканлигини тасдиқловчи кўплаб ҳаётий далиллар ва мисоллар келтириш мумкин. Эҳтимол, шу боисдан ҳам уни яхши биладиган узоқ қишлоқлардаги одамлар оғир бемордан ҳол-аҳвол сўраш учун борганларида аввало "Ваққосовга учрадингизми, у киши нима деди?" деб сўрайдилар ва албатта унга учрашишни маслаҳат берадилар.

Доктор Ваққосовнинг ўз фаолияти давомида эришаётган ютуқларининг яна бир сири унинг касалликка ўта аниқлик билан диагноз қўйишидадир. Бу ерда ҳеч қандай сеҳр ёки мўъжиза йўқ: синчков доктор бемор томирини бармоқлари билан ушлаб кўриш орқали унга қандай касаллик азоб бераётганини қалбан ҳис этади!

Ҳозирги пайтда беморга тўғри диагноз қўйишнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳатто мактаб ўқувчиси ҳам билади. Бироқ нима учун жуда кўп кишилар врачнинг нотўғри диагноз қўйиши оқибатида ортиқча азоб чекяптилар, ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмяптилар? Афсуски, биз ҳозиргача шаҳар врачи билан қишлоқ врачи ўртасидаги тафовутга унча эътибор бермай келдик. Ҳолбуки, қишлоқ врачидан универсал, қомусий билимдонлик, медицинанинг барча соҳаларидан, унинг сўнгги ютуқларидан яхши хабардорлик талаб этилади. Ҳозирги замон медицинасининг жуда кўп соҳаларга бўлиниши, врачларнинг турли соҳалар бўйича ихтисослашуви медицина фанининг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга, бироқ қишлоқ медицинаси амалиётида фақат биргина соҳа бўйича ихтисослашган врач муваффақиятли ишлай олмайди. Қишлоқ шароитида врачлар тақчиллиги сезилиб турган бир шароитда тор соҳадаги врач эмас, балки медицинанинг турли соҳаларида эришилаётган ютуқлардан яхши хабардор бўлган врачгина катта ютуқларга эришиши мумкин. Медицинанинг фақат биргина соҳасини эгаллаган врачларнинг беморга тўғри диагноз қўйишда хатоларга йўл қўйишининг сабабларидан бири, эҳтимол, ана шундадир. Чунки инсон фақат кўз, қулоқ ёки ошқозон эмас, балки бир неча аъзолардан тузилган яхлит организм эгасидир, тана ва руҳ соҳибидир. Ўтмишда улуғ аждодларимиз фақат тана хасталигини эмас, балки руҳият хасталигини ҳам даволай оладиган табибларни табиби ҳозиқ, ҳаким номи билан улуғлаганлар.

Қатор Ғарб мамлакатларида "оила врачи" деган тушунча бор. Оила врачи медицинанинг деярли барча соҳалари ва ютуқлари ҳақида пухта маълумотга эга бўлган врач ҳисобланади. Ўзбек қишлоқларига ҳам худди ана шундай қомусий тиббий билимга эга бўлган врачлар керак! Доктор Ғиёсхон Ваққосов ана шундай врачлардан биридир. Унинг таржимаи ҳоли бошқа ҳамкасбларининг таржимаи ҳолидан унча фарқланмайди: Ҳарбий хизмат, сўнг талабалик, иш. Унинг билимдонлиги, илмга ташналигини сезган устозлари институтда қолишни ва илмий изланишларни давом эттиришни таклиф қилдилар. Бироқ Ғиёсхон қишлоқ одамлари учун зарур эканлигини англаб, бутун вужуди билан ишга киришди.

Ғиёсхоннинг врачлик касбини танлашига онаси Маърифатхон аянинг хасталикка чалиниши ва бевақт оламдан ўтиши сабаб бўлган эди. Ғиёсхоннинг онасига бўлган меҳр-муҳаббати ҳамюртларига, барча оналарга кўчди. Унинг қўлидан шифо топган оналар қўлларини дуога очганларида, одамлар кўзида қувонч ёшларини кўрганида Ғиёсхон онаизорининг ҳамиша уйғоқ руҳи олдидаги фарзандлик бурчини адо этгандек енгил тортади. Ғиёсхон аканинг мақтовлардан эсанкирамаслиги, ўта камтарин, ҳалим ва одамохунлигининг боиси ҳам, эҳтимол ана шундадир.

Ғиёсхон ака турмуш ўртоғи Эътиборхон ая билан тўрт фарзандни вояга етказди. От изини той босар, деганларидек икки фарзанди ота касбини давом эттиряпти, қизи ҳамшира, кенжа ўғли коллеж талабаси.

Ғиёсхон аканинг ҳавас қилса арзигулик тотув оиласи, аҳил ва бирбирларига меҳр-оқибатли меҳнат жамоаси, ғоят савобли касб-кори бор. У ўзини ҳар доим одамлар учун яқин ва керакли эканлигини ҳис қилиб яшайди. Инсон учун бундан ортиқроқ бахт бўлиши мумкинми? Суҳбат орасида Ғиёсхон акадан: "сизнинг ҳам армонларингиз борми?" деб сўрашга журъат этдим.

"Бўлганда қандоқ, мен ишлаб турган Чимён кончилар шаҳарчасида олти минг аҳоли учун рисоладагидек шифохона бор, бу яхши, албатта. Ҳолбуки, мен яшаётган Хонқиз ва Қўрғонтепа қишлоқларида 30 мингдан зиёд аҳоли бўлишига қарамай шифохонаси йўқ. Бу ердан етишиб чиққан қанчадан қанча шифокорлар қўшни қишлоқларда, шаҳар касалхоналарида ишлаяптилар. Ҳукуматимизнинг соғликни сақлаш соҳасида амалга ошираётган ислоҳотларидан руҳланиб, қишлоғимиздаги ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Ш. Исроиловга ўз ҳисобимдан қишлоғимиз аҳолиси учун хусусий шифохона очиш ниятим борлигини, бунинг учун қишлоқ марказидан ер ажратиб беришини илтимос қилдим. Раис қабристоннинг бир чеккасидан ер бермоқчи бўлди. Бироқ қишлоқ оқсоқоллари бунга эътироз билдиришди. Бу ислом қоидаларига тўғри келмайди, дейишди. Шундан кейин мен қишлоқ амбулаториясини таъмирлаб, шифохона очишни раисга маслаҳат қилдим, раисимиз кўнмади. Қишлоқдагилар неча километр (6 – 7 км.) йўл босиб, Чимён кончилар шаҳарчасидаги шифохонада, туман шифохонасида даволанишга мажбур бўляптилар. Ҳамқишлоқларимга шифохона очиш орзуим армонга айланиб қолди". Чиндан ҳам бу икки қишлоққа биттагина шифохона кўплик қилмаслиги тайин ва зарурдир.

Эл-юрт ўзининг олиҳиммат, мард ва улуғ фарзандлари билан азиз ва қадрлидир. Доктор Ваққосов орзуларининг рўёбга чиқиши юртимиз равнақи ва халқимизнинг сиҳат-саломатлиги, бахти ва камоли учун хизмат қилади. Бунга асло шубҳа йўқ.

Кодиркул РЎЗМАТЗОДА,
доцент

Таълим ва тикланиш

ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИЛСА...

ЁКИ ЖАҲОН БИЛАН МУЛОҚОТ РИШТАЛАРИ

Қани ҳамма тилни билсам — бу сўзларни дунёдаги кишиларнинг деярли ҳар бири кўнглидан кечирган бўлса ажаб эмас.

Қайсидир тилни ўрганиш шахсий ёки ижтимоий заруратдан келиб чиқади, албатта. Шунга кўра бирор бошқа тилни озчилик (дейлик, бир киши ҳам) ёхуд кўпчилик ўрганишга киришади. Табиийки, ҳамма тилни билиш имконсиз, бу бир лаҳзалик орзудир. Лекин орзу ҳам эҳтиёж туфайли имкониятга яқинлашади, яъни кези келганда «ҳеч бўлмаса жаҳон тилларидан биттасини билсам» дейсиз. Бу фақат билимни яхши кўрадиган, маърифатли кишиларга хос кечинма десак хато бўлур эди. Жаҳон тилларидан бирортасини билиш, ҳатто таъбир жоиз бўлса, учига чиққан ўғрининг ҳам истагидир балки...

Замон ўзгарди, истиқлол боис дунё эшиклари очилди. Бир пайтлар танланган, ғоявий «қуролланган» саноқли кишилар хорижга чиққан бўлса, эндиликда истаган фуқаро бу эшиклардан кириб-чиқиши, ўз манфаатлари ёки жамият манфаатлари учун дунё кезиши мумкин. Қолаверса, юртимиз ҳам дунёнинг бир қисми — турли юртлардан турфа миллат кишилари юртимизга келадилар. Қизиғи, уларнинг деярли кўпчилиги жаҳон тилларидан бирида бемалол сўзлаша олади ёки оз бўлса-да ўзига етарлича тушунади.

Ҳозирги пайтда турли ёшдаги кишиларнинг кўпроқ инглиз тилини ўрганишга жиддий ҳаракат қилаётгани ёки аллақачон ўзлаштирганини кузатасиз. Бу каби интилиш кундан-кунга ортаётир ва шу туфайли кўплаб тил ўргатиш курслари очилган, тил марказлари ишлаб турибди. Шу билан бирга, яна алоҳида репититорларнинг ҳам қўли қўлига тегмаётгани инглиз тилини ўрганишга бўлган катта ижтимоий зарурат мавжудлигининг ифодасидир десак янглишмаймиз. Албатта, керакли тилни ўзинг билганга не етсин. Дунё билан тенглашишга интилаётган мамлакат аҳли дунё тилини ўрганса фойдали мулоқот тезлашади. Чунки шоир Аваз Ўтар лутф қилганидек, «Тил воситаи робитаи оламиёндир». Бугун дунё халқлари ва мамлакатлар бирбирига яқинлашаётган даврдир. Карвондан эса ортда қолиб бўлмас, кишиларимиз ҳам буни аллақачон тушуниб етган дейиш мумкин.

Назаримда бунинг яна бир жиҳати бор. Яъни инглиз тилини ўрганувчилар бирор амалий фаолияти давомида бунга кучли эҳтиёж сезганлар. Улар инглиз тилини аллақачон, балки болаликдан ўзлаштирган бўлишини шу пайтда қаттиқроқ исташгандир. Ҳар ҳолда, билимни ёшликдан ўрганилгани тошга ёзилган ёзувдай бўлишини бежиз айтишмаган.

Тўғри, баъзи ўрта таълим мактабларида инглиз тили ўқитилади, лекин бу юқорида тилга олинган ижтимоий зарурат даражасида оммавий қамровга эга эмас, дейлик, рус тили ўқитилиши каби. Бизнингча, барча ўрта ва махсус таълим мактабларида инглиз тили ўқитишни жорий этилишини давр тақозо қилиб турибди. Бунинг учун аввало инглиз тилини ўрганишга доир мавжуд асосий адабиётларни мутахассисларимиз рус тилидан таржима қилсалар, **бевосита тил ўргатишда анчайин илғор миллатларнинг зиёлилари каби ўз халқининг тил ўрганишини осонлаштирсалар айни муддао бўлур эди.** Бу ўринда биз ҳеч кимдан кам эмасмиз дейилганда шулар ҳам назарда тутилишини истардим. Шу билан бирга, ўқувчилар учун махсус қўлланмалар яратиш, бу йўналишда мутахассисларни тайёрлаш ва бор мутахассисларни йиғиб, уларни бу ишга жалб этишни йўлга қўйишдан ҳаммамиз манфаатдормиз, бундан тараққиёт қадамлари фақат илдамлашади деб ўйлайман. Жаҳон тилини билиш бизни жаҳонга яқинлаштиради.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтишга тўғри келади. Ҳозир (ўзбек мактабларидан ташқари) деярли барча кутубхоналаримиздаги китобларнинг камида 80 фоизи рус тилидаги адабиётлардир. Тўғри, бунинг ўзига хос ижтимоий-сиёсий сабаблари ҳам бўлган. Шу билан бирга, русийзабонлар қаерда бўлмасин, биринчи навбатда уларнинг ўз она тилида китоб ўқишини таъминлашга рус зиёлилари жиддий қарашганини таъкидлаш жоиз. Шу сабабли улар кўплаб дарслик, қўлланмаларни яратганлар, инглиз, немис ва бошқа тиллардан турли адабиётларни таржима қилганлар.

Афсуски, рус тилини мукаммал биладиган ўзбек олимлари ҳам ҳеч курса олий ўқув юртлари учун дарслик китобларни таржима қилишдан кўра ўзлари ҳам рус тилида қўлланмалар ёзишга киришиб кетдилар. Жуда бўлмаганда бу зарур китобларни икки тилда тайёрлаш ҳақида деярли қайғурмадилар.

Ўтмиш ортда қолди, назаримда бугун мутахассисларимизга ана шу кемтикни тўлдириш фурсати келди. **Ахир инглиз, рус ва бошқа халқларнинг кутубхоналари она тилидаги китоблар билан ўз-ўзидан тўлиб қолмаган.** Бу борада узоқ йиллар давомида рус тилига ихтисослашган мутахассисларимиз етарли экан, чиндан ҳам биз ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз керак деб ўйлайман.

Истак бўлса, бундай етук мутахассисларимизга миллий маърифатимиз учун ишлаш, чинакам маърифий ғамхўрлик қилиш пайти аллақачон етган. Элим, юртим деб яшамоқ элнинг тилини ҳам асрамоқдир.

Айниқса, аниқ фанлар, хусусан, олий ўқув юртларда қишлоқ хўжалиги, молия ва иқтисодиётга оид рус тилидаги кўплаб дарслик ва қўлланмалар таржима қилиниши, таржима қилинганлари тез фурсатларда чоп этилиши зарур. Кези келганда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз: аслида сиёсатга дахли бўлмаган аниқ фанларга оид дарслик ва қўлланмаларни китоб ичида унда-бунда советча сўзлар учраганлиги боис улардан фойдаланмасликка интилиш, баъзан бу китобларни ҳисобдан чиқариб юбориш ҳолатлари янгисини қурмай эскисини бузишдай бир ҳолга ўхшайди. **Чунки олдин бу китобларнинг ўрни бирма-бир тўлдирилиши, жавонда ўрни бўшаб қолмаслиги, ўқувчи ва талабалар, дейлик формула ёки тенгламани ечишда улардан фойдаланиши,** фан сирларини ўрганишда керакли китобларни топа билиши, сарсон бўлмасликлари лозим. Содда қилиб айтганда, H_2O ҳар қандай замонда ҳам H_2O экан, демак бу китобларга замон зайли билан мажбуран киритилган кераксиз сўзлару жумлаларни тушириб қолдирилган ҳолда китобларни нашр қилиб, керак бўлса, ўзбекчага ўгириб олсаккина ёшларимиз фитопатология, микробиология ва бошқа бу каби кўплаб аниқ фанларнинг сирларини китоблар танқислигисиз, биз кутган даражаларда ўрганадилар. Ривожланиш йўлидаги мамлакатимиз учун бу сув билан ҳаводек зарурлардан биридир. Зеро, китоб нашри, осон иш эмас, табиийки, кутубхоналар макулатурага ўхшаб дарров лиқ тўла қолмайди. Қолаверса, аниқ фанларга оид китобларда, одатда, кириш қисмидагина сиёсий тушунчаларга боғлиқ мулоҳазалар берилади ёки баъзан китоб ичида унда-бунда учраб қолади. Талабаларнинг эса ўзига керакли мавзунигина топиб ўқиши табиий, буни талаба бўлган ҳар бир киши билади. Баъзан кириш қисми у ёқда турсин, фанга оид бирор мавзуни китоб варақлаб топиб ўқиганига ҳам шукур қиласиз. Бундай дарслик ва қўлланмаларни она тилимизга ўгириш эҳтиёжи ҳам кўпроқ экан, **мавжуд китобларни янгидан, энг камида аввалги микдорида бирма-бир чоп этгунимизча, "янгисини кургунимизча" сақлаб туришимиз мақсадга мувофикдир,** назаримизда. Бугунги илғор мамлакатларнинг тараққий этиши, бойишига бир жиҳатдан уларнинг маърифатга, хусусан, китоблар ва кутубхоналарга бўлган муносабати, бой кутубхоналари ва китобхонлик даражаси катта таъсир кўрсатган ва кўрсатмоқда, десак янглишмаймиз. Кутубхоналарни, айниқса, ўз она тилидаги турли адабиётлар билан бойитишга улар қандай эришганлигини, дунёнинг бу борадаги илғор тажрибаларини ҳам ўрганиш фойдадан ҳоли эмас, албатта.

Бу бир жиҳатдан биз учун таржимачилик билан ҳам боғлиқ иш бўлиб турибди. Тўғри, узоқ йиллар давомида ижодкор зиёлиларимиз заҳмати билан бадиий таржимачилик соҳасининг ривожланиб келганлигини, қисман илмий адабиётлар таржимачилиги ҳам нафас олиб турганини эътироф этамиз. Айни пайтда жаҳон тилларини тўғридан-тўғри ўрганишга доир дарслик ва қўлланмалар кўпайса, давлат тилимизда, яъни ўзбекча яратилган китоблар сони ортса деймиз.

Азалдан халқимиз икки-уч тилни билгани, шу тилларда мулоқот қилгани тарихдан аён, бу ҳам ўша замонлар талаби, маънавий эҳтиёждан келиб чиққан албатта. Қолаверса, жаҳон тилларидан бирини билиш эҳтимол ўзбек тилини ҳам шу тилларга яқинлаштириш, уни ўзимиз билан бир дунёга олиб чиқиш имкониятидир. Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарийлар? Юртимизнинг маърифатли кишилари бу ҳақда фикр-мулоҳазаларини билдиради деган умиддаман.

Дилором ҚЎЗИЖОН

ҲОРДИҚ МАНЗИЛИ

Дўст ёди

ФАРҲОД ВАСИЯТИ

Газетамизнинг шу йилги феврал сонларидан бирида босилган наманганлик таниқли журналист Фарҳод Йўлчиевнинг «Ҳамма какликларни отиб қўйманг» эссе-ҳикоясини ўқувчиларимиз қизиқиш билан кутиб олдилар. Фарҳод газетамиз билан ҳамкорлик қилишни қадрлар, унинг сонларини канда қилмай кузатиб борар, учрашган чоғларимизда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар, «Миллий тикланиш»зиёли газета бўлишга интиляпти», деб маъқуллаб қўяр, унинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш учун турлича чора-тадбирлар, йўл-йўриқларни бирма-бир таҳлилдан ўтказар, «Наманган ҳақиқати» тажрибаларини самимий ўртоқлашарди. «Танда жонинг бўлмаса ҳам, жонкуяринг бўлсин». Фарҳод Йўлчиев жуда тўғри, содда, лекин турмушда нишонга бенуқсон урадиган фалсафа соҳиби эди. У ҳамма нарсаларда меъёр бўлишини ёқларди. Ўртача мезонларни ёқтирар, ўзи ҳам шунга оғишмай амал қилар, фарзандларини ҳам шундай тарбиялар, ортиқча қадамлардан иҳота қиларди. Менга ва яна кўпларга Фарҳоджоннинг бундай бехато ишлайдиган ҳаётий йўриқлари жуда мақбул ва реалистик кўринарди. Одамнинг содда бўлса ҳам, ўз фалсафаси бўлиши яшамоқ пучмоқларида жуда катта гап! Менимча, ҳар бир одамда бир Платон, бир Менделеев, Навоийлар юзага чиқмай, тарбиясини топмай, парваришдан маҳрум бўлиб қолиб кетади. Ўрнига кейин биз: «бу дарахт қандай гуллади, не мева берди, қай данак қолдирди?» — деб ҳайрон бўлиб ўтирамиз. Фарҳод эса ҳайрон бўлиб ўтирмас, ҳаракат қилар, кўп натижаларга эришар,эзгулик турумини тутарди, дўстларидан хабар олиш, маҳрамлик қилишни ҳеч унутмасди.

Яқингинада, 28 март жума куни у Намангандан қўнғироқ қилиб эртага шанба куни Андижонда ўтадиган журналистлар ўртасидаги теннис мусобақасига кетаётганини айтиб, мени ҳам бирга боришга таклиф этди.

— Сизга бир ҳикоя юборяпман факс орқали. Илгари ўқиган эдингиз. Яна қайтадан ишладим, тўлдирдим. Энди сизга маъқул келар деб ўйлайман, — деди Фарҳод телефонда. Бироз жим тургандан кейин яна қўшиб қўйди: — «Миллий тикланиш»да бир саҳифа бўлиб чиқишини орзу қиламан. Бу менинг устоз — шогирдлик ҳақидаги ўгитим. Унда отамдан эшитганларим ва ўз кўрганларим, ўйлаганларимни ёзганман.

— Ғалабага шанс борми? — сўрадим ундан.

— Ҳаракат қиламиз. Ўйиннинг ўз завқи бор. Мен буни ғалабадан ортиқроқ кўраман. Ўзингиз югуряпсизми? Ташлаб юбормадингизми машқларни?

Фарҳод мени анчадан бери югуришга тарғиб қилади. Югуриш машқларини канда қилмасангиз, қизлар сизнинг вужудингиздан куч ёғилиб турганлигини яхши ҳис қилади, дерди зарофат қилиб. Фарҳод югуриш, спорт билан шуғулланишни одамнинг касалликка, ожизликка, қарилик кулфатларига тобе бўлиб қолмаслигининг энг яхши чораси деб билади.

Лекин буни қарангки, чорасизга — чора, чорасизга — чикора дейилмоқчидай баъзан одам тақдир ўйинлари қаршисида чорасиз бўлиб қолади. Совуқ хабар ҳеч кутилмаганда якшанбада етиб келди. Фарҳоджон мусобақада қатнаша туриб, ўзини оғир сезиб, шу ернинг ўзида бир зум ичида жон таслим қилди. Жон омонат! Қазойи муаллақ ўз тадбирида шафқатсиз. Ҳеч кимнинг бўлмаса бунга ишонгиси келмайди. Ақл, мантиқ бовар қилмайди. Лекин қазо ҳақ!

Фарҳоджон азамат, шерсифат инсон эди. Келбати, юриш-туриши, лавзи-аҳди ҳақиқий олмосликларга хос эди. Мусобақа, беллашув деган нарсалардан асло тап тортмас эди.

Ўлим уни мусобақа, беллашув устида қувиб етди. У ҳақиқий эр каби жон таслим этди.

«Мурод мерган» эссе-ҳикоясини Фарҳод бу қайғули воқеадан бир кун олдин факс орқали бизга жўнатди.

Ҳикояни сўнг яна бир ўқиб чиқиб, хаёлимдан ўтди:

«— Бу Фарҳод Йўлчиевнинг бизга, фарзандларига васияти эмасмикин?»

Энди ишончим комил бўлди:

— Ҳа, бу инсон васияти!

Иброҳим ҒАФУРОВ

МУРОД МЕРГАН

(ҳикоя)

Чап томондаги чўққи ортида қарсиллаб узилган ўқ овозига тоғ-тошлар акс садо берди. Мурод мерганнинг юраги хапқирди, иссиқ бир қувонч ҳиссини туйди. «Урди, накд кўзидан урди» — кўнглидан ўтказди у.

— Йигитнинг юзини ёруғ қилсин, ишқилиб, ўлжаси кийик бўлсин, — дилидагини тилига чиқарди. Аслида мерганнинг одати шу: милтиқни елкасига осар экан, «Илоҳим менга кийик учрамасин», дейди. Етти кийик сўқмоғига йўли тушиб қолса борми, «оҳуларни паноҳингда асра!» — деган сўзларини сеҳрли калимадек такрорлайверади. Бу дарани Сўқир мерган ҳам дейдиларки, у ҳақда раҳматли қиблагоҳи кўп такрорлаган ривоят ҳам бор.

Қачонлардир бир овчининг пари руҳсор етти қизи бўлган экан.Улар вояга етгач, етти иқлимнинг шаҳзодаларидан совчилар кела бошлабди.

— Қизларим сарой асираси эмас, тоғлар маликаси бўлади. Уларни жайроннинг жигаридан, йўлбарснинг юрагидан урадиган азаматларга бераман, — дебди ота.

Бунга кўнмаган шаҳзодалар етти санамни куч билан қўлга киритмоқ ниятида лашкар тортибдилар.Отанинг оҳи худога етиб, тоғ гўзаллари оҳуга айланиб қолган эканлар. Ўшанда бу шаҳло кўз жониворлар «оҳи падар» номини олиб, кейинчалик оҳу бўлиб кетган экан.

Замонлар ўтибди, аммо етти гўзал ҳақидаги гап овчилар қавмида отадан фарзандга ўтиб яшайверибди. Шунга қарамай, оҳуларни овлашга ҳам рухсат тегибди. Аммо еттисини бирданига йиқитмоқ ман этилибди.

Маъмур мерган сайёдлар сайёди экан. Овлардан бирида унинг кўзи етти оҳуга тушиб қолибди. Улар сўқмоқдан мерган томон келаверибди. Овдан ҳеч қачон бенасиба қайтмаган мерган бу сафар ўта очкўзлик қилибди — кийикларнинг еттовини ҳам қулатибди... Эртасига эрталаб турса кўзлари кўрмас эмиш. Ўша-ўша сўқмоқ «Етти кийик», дара эса «Сўқир мерган» бўлиб қолган экан.

Мурод мерган шу боис ҳам худодан кийикларни унга рўбару қилмаслигини сўрайди. Мабодо кийик учраб қолса кўзининг оқу-қораси Гуласални эслайверади. Дарвоқе, қизида Хотамнинг кўнгли борлигини ҳам билади.

Етти кийик афсонаси... Ҳа, бу афсонадан кейин қайси бир овчи кийикларга ўқ уза олади?! Бироқ, қишлоқ оқсоқоллари кўп йиллар мобайнида бир маротаба бўладиган мерганлар имтиҳонида битта кийикни овлашга рухсат беришган.

Сўқмоқдан оқсоқланиб, чопиб келаётган кийик Мурод мерганнинг хаёлини бўлди. Хотам ўқ узди. Нега кийик йиқилмади? Тегмадимикан? Ё, алҳазар! Бундай бўлиши мумкин эмас. Борди-ю шундай бўлса-чи?!

Мурод мерган шу заҳотиёқ даҳшатдан қотиб қолди.

— Имтиҳон-чи? Хотамни кутаётган имтиҳон нима бўлади?

Шогирдининг ўқи сира хато кетмасди. Имтиҳоннинг талаби эса қатъий — ягона ўқ билан кийикни қулатиш керак.

Биркесар Хотам эса устозидан пешқадамликни ўзига эп билмади чоғи.Ўн-ўн беш газгина нарида милтиғига нишон бўлган кийикнинг атай қуймичидан яралаб, Мурод мерган тарафига ўтказиб юборди. «Битта қишлоқда битта мерган кифоя, у киши турганда, менга бу мартабанинг нима кераги бор. Ундан ҳали кўп нарсани ўрганишим керак. Ёшларнинг гўрига ғишт ташувчи айрим вайсақи кексаларнинг синовиям садқаисар», — деди у ўзига.

Йилдан-йилга белини куч тарк этаётган Мурод мерган Чотқолни қанчалик билса, ўғлидай бўлиб қолган Хотамнинг қалбини ҳам шунчалик биларди. Лекин унга шогирдининг бугунги «жўмардлиги» сира ҳазм бўлмади. Дарҳол, бу ўзига хос муғамбирликни пайқади-да унга яраша «жавоб тайёрлаш»га аҳд қилди. «Ҳа, ўжар бола-я, сени қараб тур! Сен бола нимани билардинг, Мурод мерганни бу дунёга боғлаб қўйибдими?!» — кўнглидан ўтказди у.

Ёшинг ўтган сари тоғларга чиқа бериш осон кечмайди. Мурод мерган эса етмишларга бориб қолгани билан бўш келмайди. Бироқ, худди Хотам каби тик тоғларга енгил кўтарила олмайди. Ўзини ҳолдан тойган карвон норидай сезмаса-да, йиллар ўз таъсирини кўрсатган.- Хотам эса унинг кексайиб бораётганини ҳали ҳис қилмайди. Гўё устози ўшаўша.

Тўғри, Мурод мерган ўтган умридан ҳеч вақт нолиган эмас.Аксинча, тоғлар билан дўстлашганидан Оллоҳга беадад шукурлар қилади.

— Тоғларга тирмашавериб ўлигинг ўша ерларда қолмасайди, тағин, — дегувчилар ҳам бўлган гоҳ ҳазил, гоҳ жиддий оҳангда. Бу гапларга эса у парво қилмайди. Ахир бу оёқлар нима учун бизга берилган. Улар қанча кўп юрса, шунча чиниқади. Юрмаса, яроқсиз ҳолга тушади. Буни ҳамма ҳам англайвермайди.

Бу тоғларга нега чиқмасин? Ахир улар ҳар чиққанда ўзгача ҳусн касб этади: гоҳ қор остидаги улкан чодирларни эслатса, гоҳ кўм-кўк майсалар билан қопланади, гоҳ қирмизи лолалар ажиб товланади.

Овчилик фақат кўнгил хушлиги эмас, бу ота-боболардан қолган касб, анъана.Лекин бу касб ҳозир қозон қайнатиш учун эмас, балки, ота-боболаримизнинг руҳини шод этиш, тоғу тошлардан ажраб яшамаслик учун керакдир. Мурод мерганнинг назарида агар одамзот ов қилишни унутса, ўзлигини ҳам унутади.

Овчининг мерган деб тан олиниши тоғликлар ҳаётида катта воқеа. Ўн-ўн беш йил ичида бундай рутбага бир-икки овчигина мушарраф бўлади, холос. Мерганлар қадим замонлардан буён эъзозланиб келинган. Улар керак бўлса, қишлоқ учун жонларини фидо қилишган. Очарчиликда ҳам мерганлар кўп кор келганлар.Шундай экан оталар анъанасини давом эттириш яхши иш.

Шогирдсиз устоз — мевасиз дарахт дебдиларки, ўрнига ақалли бир йигитни қўйиб кетмаса, Мурод мерган бўлиб қаёққа борди? Аммо ўзининг ҳам талаби қаттиқ, оқсоқолларнинг синови эса бундан ўтадики, унга дош берган бола ўнта институтга киргандан баттар терлайди.

Тоғлик мўйсафидларнинг ана шундай имтиҳонлари ҳам бежиз эмас. Ахир мергани йўқ қишлоқнинг ғурури қаёқда қолади? Мерган қишлоқнинг юзи-кўзи. Янги туғилган гўдаклар тоғай бўлганда кокилини «бўри-бўри» қилиб ким қайчилайди? Кимни ёшларга ибрат қилиб кўрсатилади? Токи ўша ибрат бўладиган одам —мерган ҳаммани ортидан эргаштира олсин, юртни асрайдиган миркент (мирикент) — кент амири, қишлоқ посбони бўлсин. Улар билимдонликда ҳам, ахлоқда ҳам бошқаларга ўрнак бўлишлари керак. Худога шукур, бундай азаматлар қишлоқда кўп, аммо ҳалигиндай синовларда қоқилиб қолишади-да! Кекса мерганларнинг тошу тарозиси оғир: бир болада мардлик етишмаса, бошқаси нотантироқ чиқади, бирови эса ўлжа деса туққанини танимай қолади.Чолларга қолса, мерган бўламан деган йигит ҳам ақлли бўлсин, ҳам чўққидан югуриб тушсин. Чўққиданчўққиларга сакраб ўтишни эса кийик уддалайди холос, ахир. Йўқ, бу кексаларга гап уқтириб бўлармикин.



— Биз шундай қилганмиз, Мурод мерган шундай қилган, — дейишади улар. — Чиллада анҳорнинг музини болтада тешиб ювинардик.Сенлар эса совуқ сувдангина эмас, салқин шамолдан ҳам қўрқасанлар. Қайси бир йили Азим лочинкўз деганнинг ўғли қишда чўмилиб хушдан озаёзибди. Яхшиям Бўрибосари занжирда бўлмаган, уни судраб уйга олиб кирибди. Ўша ғўр бола ҳам мерганликка даъвогар экан.

— Ҳо-о, Мурод мерганнинг ўрнини олиш осон бўпти-ми? — писанда қилди чоллардан бири.

— Бува, йигитларниям анов-манов деяверманг, шундайлари борки, ўқиб олим бўлган-а, милтиғи бор бирни, илми бор мингни кўзлайди. Сизнинг мерганингиз тоғни забт этган бўлса, янги мерган дунёни забт этади.

— Хў-ўп, забт этсин, болаларим, қишлоқда туғилиб, қаймоғини шаҳарга берадими, ахир? Манавинисидан гапиргин-чи?

— Ана, ошнангиз Эшмат полвоннинг ўғли Хотам беш йил ўқиб қишлоққа қайтди. Компутерни ҳам бошқаради. Яна Мурод мерганнинг тарбиясини олган-а, у тоғдан бу тоққа сакрай олади, нишонга шундай урадики... Бунисига нима дейсизлар?

Нафсиламбирни айтганда, бу гапда жон бор. Лекин кексаларнинг ён бериши, кимнидир Мурод мерганга тенг кўриши осон гап эмас.

— Майдонга чиқиб, ўзини кўрсатишга, юраги дов урадими аввал? Ўқиб-ўқиб бағримизга қайтибди, бунисига раҳмат. Лекигин Мурод мерганнинг ўрнини боса оладими, имтиҳонга ярайдими?

Марайим тоғанинг бу гапларини ўз қулоғи билан эшитган мерганнинг юраги тўликди: «Мени бунчалар яхши кўрмасалар-а? Қирқ йил мерган деган ном кўтариб, уларнинг бирор корига ярай олдимми? Тўғри, уларнинг тўю маросимларининг кўпига бош бўлиб турдим, майда-чуйда муаммоларни ҳал қилишда ёрдамлашдим, қолган пайтларда умрим тоғларда ўтди. Мен юрмаган дара, оёғим тегмаган тош қолмади».

Беҳол кийик эса тобора яқинлашиб келмоқда эди. Мурод мерган ҳушёр тортди.«Ё парвардигор, ё эгам, иккимизни шарманда қилма!» Ўшанда худди шундай синов ўзининг бошига тушган, ўн беш ёшида қўлига милтиқ берган Марайим тоға унинг ёнида паноҳ бўлганди: «Бўш келма, ўғлим!»

У ўша якка тиғ милтиқни ҳанузгача алмаштирмади. Бошқалар беш отарда эплолмаган овни Мурод мерган бир ўқ билан саранжомлайди. Бирини милтиққа жойласа, питрасини ташқарига қилиб, иккинчисини лабига қисиб олади. Лаҳзада қўшотарнинг ишини қилиб, учинчи ўқни солади. Уч-тўрт каклик учсин, ҳаммаси ҳам қулайди. «Мурод мерган овга чиқса, оғзи ҳам ўқ отади» деган гапда асло лоф йўқ, ишонаверинг. У мерган деган рутбани ҳам ана шу якка тиғ билан олган.

Ўшанда, раҳматли Жўрамаҳмуд таомилда мерганликка даъвогарнинг насибаси бўлмиш ягона ўқни узатди.

— Худо юзингни ёруғ қилсин, болам. Пирлар ёр, арвоҳлар мададкор бўлсин.

Эл ишончи масъулият эдики, унинг юки ҳам жуда оғир... Оёқлари остида гоҳ қор ғижирласа, гоҳ кескир тошлар шалдирайди. Ортидан Марайим мерган қорама-қора эргашиб келмоқда. Бугун у ҳам синовдан ўтади— эртага «фалончининг шогирди» деган гап чиқади-да! Йигитнинг ётиб қолган отаси «боламни сенга, сени худога топширдим, ошна!» — деганича кўзига ёш олганди.

Марайим мергандай меҳрибон, унингдай қаттиққўл устоз йўқ эди. Терак бўйи баландликдаги қушни тош билан уриб тушириш! Марайим мерган танини шикастламай, қанотига урарди. Боладан ҳам шуни талаб қиларди. Йўқ, бирданига эмас, аста-аста. Аввал, ўзи каттароқ тошни улоқтиради, Мурод уни кичикроғи билан уриши керак, бечоранинг қўллари шилиниб кетди.

— Қўлинг оғрияптими? Оғримасин, — дерди Марайим мерган. — Эртага айиқми, бўрими, қўлингни ғажиб, ҳиқилдоғингга оғиз солиб турганда ана шу қўлинг билан бўғиб олишинг керак. Овни кўзладингми, ё у ўлсин, ё сен ўл болам, бошқа йўл йўқ!

Муроднинг тоши теккан илк ўлжа устознинг оёқлари остига тушди.

— Бу нимаси? — деди норози қиёфадаги Марайим мерган. — Кўкрагини мажақлаб ташлабсан-ку, қанотига ур, қанотига! Хомсан, хом!

Шогирд «пишгунча» Етти кийикнинг ҳамма тоши қўлидан ўтиб, қовун пишиғи ҳам келди. Бириси куни яп-янги милтиқни тутқазар экан, Марайим мерган деди:

— Ана энди ўқинг зое кетмайди. Фақат қўш отар, беш отарларга ружу қўйма, тоғни уйим дегину, сўқмоқни-ю баландликларни оёқларинг остидаги теп-текис йўл билгин. Юрагинг бир хил урадиган бўлмагунча, нишонга олма! Ҳаяжонланганинг — ўқинг хато кетгани.

Синовдан ўтган куни ана шу инсоннинг ортидан келаётгани Муроднинг юрагига далда берганди. Иккинчи довондан ошганларида устоз чақирди.

— Муроджон болам, буёғига ярамайман шекилли. Худо омадингни берсин, мени, уйда йўлингга кўз тикиб турган отангни, сенга ишонган қишлоқни унутма, оқ йўл!

Мурод шунда англади: йўлга чиққанларидан буён, кўнглининг тўқлигига қорама-қора бораётган устози сабаб экан. Мана энди тоғлар билан ёлғиз ўзи қолди. Оёқлари остидаги қоялар юксалгани сайин, олисдаги оппоқ чўққилар гарданидан босиб келмоқда эди. Шунча юрса-да, ўлжадан дарак йўқлиги ўша юкнинг залворини янада орттиради. Ёз ичида семирган какликларга эса парвойи — палак. Аҳди қатъий: «Ҳеч бўлмаса кийик отишим шарт!»

Бомдодни ўқиб, йўлга чиқкандилар. Кун оға бошладики, ҳеч нарса учрамади. У умидсизлана бошлади. «Наҳотки қуруқ қайтсам!» Аслида қайтадиган фурсат жуда яқинлашиб қолган. Мурод оёқлари остидаги кимсасиз дарага умидсиз нигоҳларни қадар экан, сўқмоқдан ўзи тарафга тирмашаётган қора нуқталарга кўзи тушди: улар бир жуфт эди. Тикилавериб кўзлари толди: чорак соатча ҳам ўтмай, икки бўри кўринди.

Муроднинг лаблари ип қочирди, қошлари мамнунликдан чимирилди, беихтиёр илжайди, «худога шукур, худога шукур» дея такрорлади. У милтиғида биттагина ўқ борлигини хаёлидан қувиб юборди-да, йиртқичларни овчиларга хос «кутиб олиш»га шайланди. Бундай лаҳзада сал иккиланган сайёд ўлжадангина эмас, жонидан ҳам айрилиши мумкин. — Буни Мурод жуда яхши билади. У «ўқим битта» демади, «ўлжам иккита» деб ўйлашга уринди. Йўл халтадаги қирқ газ арқоннинг бир бўлагини олиб, қуймичидан кўкрагигача чирмаб ўради, қўлтиқ остиларини сал бўш қўйди. Биладики, тоғ эчкисининг майин жунидан ўралган бундай «қалқон»дан унча-мунча жондорнинг тишию тирноғи ўтмайди. Аммо овчининг юз-кўзи билан кекирдаги худонинг паноҳида...

Яқин келиб қолган бўриларнинг бесаранжомлигидан уларнинг одам ҳидини олганини сезиш қийинмасди. Орадаги масофа ўн газча қолганда олдиндаги бўри таққа тўхтади. Тумшуғини осмонга кўтариб безовта исканди. Шай турган овчи тепкини босди. Варанглаган ўқ кўкрагини ўпириб кетган бўри Муродга қараб отилди-да, оёқлари остига жонсиз қулади. Иккинчиси саросимада бир сония тўхтади. Ханжар тутган Муродга ташланди: инсон ва бўри, ҳаёт ва мамот юзма-юз эди шу лаҳзада. интиқом қасдидаги хундор бўри, ўқдай учиб қояга урилди, чунки одам чап беришга улгурганди.

Бўрининг одати — қандай бўлмасин дастлаб, ўлжанинг қорнини ёриш керак. Бир зумда ўзини ўнглаб олиб, қайта зарбага интилган йиртқич бу гал ана шу «анъана»нинг уддасидан чиқа олмади. Бояги «совут» шундай иш бердики, боз устига ўткир тишлар унга илиниб қолди. Бўри куч билан силтанганида, чап кўксига муздай ханжар қадалди. Мурод тиғнинг қандай азоблар эвазига кириб бораётганини туйди. Буни ваҳшийнинг оловли кўзлари айтиб турарди, ўнг қўлига иссиқ нарса қуйилди, ханжарни суғургач эса фаввbooрадай қон отилди. Овчи яна ханжар солди.

Накд ўлим билан юзма-юз бўлган ярадор бўри, шу ҳолида ҳам ниҳоятда хавфли, бир-икки одамнинг бошига қора кун сола олиши накд эди. Инсон боласидан енгилаётганига тоқат қилолмаган йиртқич Муродни жон аччиғида харсанг устига улоқтирди. арқондан бўшаган пичоқдай кескир тишларини кўрсатиб оғзини ўрадай очди. Овчи қоянинг бир четини ушлабгина жарга қулашдан омон қолди, аммо кескир тошнинг жароҳатидан қўллари қоп-қора қонга бўялди. Шу лаҳзада ҳолсиз бўри сўнгги қувватини йиғиб, охирги ҳамлага отилди. Мурод жондорнинг ҳиқилдоғидан ушлаб олди, ўлаётган ўлжа юлқиниб, жар лабига бориб қолди. Ғалабаси муқаррарлигига энди батамом ишонган овчи бир сакради-да, бор кучи билан тепди.

— Мана сенга!

Жони бор-йўқнинг ўртасидаги бўри жарликка учиб кетди...

У Мурод мерган деган номни ўшанда олган. Албатта, ортида Марайим мергандай суянган тоғи бор эди. Бугун ўзи ҳам Хотамнинг ёнида йўлга чиқди. Улар бораётган Етти кийик сўқмоғи водий тарафдан тоғнинг белидаги белбоғдай кўринарди. Атрофни ўт-ўланларнинг ёқимли бўйи тутган, тоғ шамоли гоҳ ёндан эсса, гоҳ юз-кўзга урилади. Юқорида қорли чўққилар, оёқ остида тубсиз Сўқир мерган дараси, олдинда ишонган тоғи — Хотам мерган. «Мерган-да, барибир мерган бўлади!» — чолларнинг ҳамма гапиям тўғри эмас, Мурод мерганнинг фикри ана шундай. Алалхусус ёшларга ишониш керак. Чўққилардаги қорлар эрийди, қартайган дарахтлар ўрнида янги ниҳоллар бўй чўзади. Одам боласи ҳам шундай: катталар кетиб кичиклар келаверади. Ҳамма замоннинг ҳам ўз кексалари, ўз ёшлари, мерганлари бўлади. Бунга бир-икки қариянинг таъсири чикора. Бу Оллоҳнинг иродаси.«Мен Хотамга ишонаман».

У кийиклар юрадиган йўлни биларди. Уч арча сайҳонларига етганларидан сўнг Хотамни тўхташга ундади.

— Мен ўнгга юрай, сен эса чапга боравер. Энди омадингни синаб кўрадиган пайт келди, болам.

— Фотиҳа беринг...

Устоз қўлини очди — Хотам сўқмоқдан сўл тарафга йўл олди, бир-бир ярим соатларда Қоратоғни ошиб ўтса бўлади, у ёқда албатта оҳу учрайди. Тоғни тезда ишғол қилган Хотам боши юлинган кийик ўтга қараб бораверди. Аҳён-аҳёнда ушлаб кўради. Ўткир тишлар юлиб олган алафдан қўли нам бўлди, оёқлари остидаги қумалоқ ҳам «ширали», яп-янги эди. Бу эса кийикнинг яқинлигидан далолат. Оҳуга етиб олиш у ёқда турсин, уни учратиш ҳам осон эмас. Бутун бир мавсум ўтиб, битта кийикни кўрмаган овчилар ҳам бўлади. Омад деганлари шунда билинади...

Тоғу тошларда ўқ овози акс садо берганда уларнинг йўллари айрилганига икки соатча бўлганди. Мурод мерган икки соатдирки, Хотамга худодан обрў сўрайди, «шу болагинани шарманда қилма, бу мени шарманда бўлганим», дейди. У эса устозига жонли «совға» юбориб, мурувват қилиб ўтирибди. Бундан дастлаб Мурод мерган ранжиган бўлса, кейин унинг юрагида Хотамга нисбатан бўлган меҳр-муҳаббати янада жунбушга келди: «Мени деб ҳамма нарсадан кечишга тайёр, азамат!»

Ана ўша кийик яқингинасига келиб қолди, чопқинлашни унутган, сўнгги кучини жамлаб одимламоқда, аммо фурсат бой берилса, қўлдан чиқади.

Мурод мерган боядан бери минг кўчага кириб чиққан хаёлни жамлади. Қоя устидан тош юмалатишга шайланди. У сайдининг тезлигини чамалади. Яна бир лаҳза... Кийик тошнинг зарбидан ёнга қулади.

— Худога шукур, — деди Мурод овоз чиқариб.

Ўқ еб ўтакаси ёрилган рамақижон жониворни милтиғи билан нишонга олиб, саранжомласа ҳам бўларди. Унда Хотамнинг бошидаги синовнинг якуни нима бўлади? Ўзининг бу йигитга шунча йил қилган меҳнати зое кетадими? Анави ҳакамлар ҳам анойи эмас, ўлжани обдон ўрганишни уларга чиқарган. Аниққи, Хотамнинг битта ўқи бўлган, тафтишчилар оҳунинг танидан икки ўқни топадилар. Хулоса ҳам, натижа ҳам тайин. Мурод мерганнинг ўрнини олмоққа раъйи бўлмаган Хотам «доғда қолди»ки, устоз билганни шогирд биларканми? Тош ўқнинг вазифасини бажарганди.

Мерган жон ҳолатида типирчилаётган ўлжа ёнига тушиб борди. Кийикнинг Хотам яралаган жойидан сизиб қон оқарди.

Олисда, кийик қочиб келган томонда Хотам кўринди. У ўқ овози чиқмаганидан хавотирда. Кийикнинг жуфтакни ростлаб қолганига ишончи комил эди. унинг юзи афсус-надоматдан бужмайган, бошини қуйи солиб, мерганга яқинлашди.

— Ўқим хато кетибди, устоз, — деди у овози қалтираб. Бир неча сонияга ўртада сукунат чўкди. Сукунатни эса мулойим овозда Мурод мерганнинг ўзи бузди:

— Йўқ, ўқинг хато кетмади. Кийик оғир яраланган экан. Шу ерга аранг етиб келиб қулади. Ана у! - деди у ўлжага ишора қилиб. — Баракалла, мартабанг қутлуғ бўлсин, ўғлим!

Хотам кўзларига ишонмас, ҳаяжондан тили айланмас, ҳайратдан тошдек қотиб қолгандек эди. Тез орада ўзини тутиб олди. Кийикнинг ёнида ётган тошга кўзи тушиб, нима бўлганига ақли етди. Устозининг нозик «санъат»ига яна бир бор тан берди. Меҳр тўла кўз билан боқаётган мерганга қўли кўксида таъзим қилди.

Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ

ОХИРГИ СЎЗ

ЎРТАДА БУРНИНГ БЎЛМАСА, У КЎЗИНГ БУ КЎЗИНГНИ ЕЯЖАК (ЕМОҚЧИ)....

УСТОЗ

Ўқитувчимиз Саидмурод
Сатторов хотирасига

Сизнинг олдингизга ақлим шошарди,
Ҳар бир сўзингиздан онгим ошарди,
Мен учун дунёда бир зот яшарди,
Ўша сиз эдингиз, азиз устозим.

Ҳамиша ўзгалар ғамин ердингиз,
Бағри кенг, меҳрибон инсон эдингиз,
Бизни суйиб ўғлим, қизим дердингиз,
Мен учун отадек азиз устозим.

Ёдимиздан чиқмас ўгитларингиз,
Сиздан миннатдор биз шогирдларингиз.
Бизга таълим берган, хизмати чексиз,
Сизни унутмаймиз, азиз устозим.

Ҳамиша яхшидан қолар экан боғ,
Нега йиқилади биз суянган тоғ,
Сўзлари самимий, қалблари қайноқ,
Номингиз ёд қолур азиз устозим.

Дилфуза ИБОДУЛЛАЕВА,
Чироқчи тумани

Milliy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир:
Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Мунира ҚОРИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 294.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда нархи эркин.
Саҳифаловчи: Р.Исмаилова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Адади: 1995 нусха

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи —
Дилором МАТКАРИМОВА

Босишга топширилди 19.30